БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 127 (17.409). • 6 июнь 1979 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

20.000.000 ТОННА ЦЕМЕНТ

Қувасойдаги М. В. Фрунзе номли цемент комбинати ишга туширилгандан буён ана шунча маҳсулот тайёрлаб берди. Корхонадаги юбилей меҳнат вахтасида йигирма миллионинчи тонна цементни ишлаб чиқариш ҳуқуқи туйиш цехининг энг яхши машинистлари — Б. Холиқов, В. Гордеев ва Г. Безручкога берилди.

Корхона меҳнатчилари цементнинг «юбилей» тоннасини ишлаб чиқаришга бағишланган митингда йилнинг қолган ойларида илғорлар зиммага олинганидек еш минг тонна эмас, балки олти минг тонна маҳсулотни планга қўшимча равишда етказиб беришга аҳд қилганликларини айтдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИ V СЪЕЗДИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни — Узбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти бешинчи съездининг қатнашчиларини қизғин ва самимий табриклайди. Сиз жонажон ўлка табиатини муҳофаза этиш соҳасидаги ишларни якунлаштириш ва КПСС XXV съезди қарорлари асосида табиатдан фойдаланишни янада яхшилаш борасидаги вазифаларни муҳокама қилиш учун тўпландингиз.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати атроф муҳитни муҳофаза этиш соҳасидаги ишларни янада яхшилаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқдалар. «Бизнинг мамлакатимизда, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — табиатни муҳофаза этиш ва атроф муҳитни яхшилаш энг муҳим умумдавлат ва халқ хўжалик вазифаси, деб ҳисобланади».

Узбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти — республиканинг энг оммавий жамоат ташкилотларидан биридир. Бу жамият тўрт миллионга яқин кишини ўз сафларида бирлаштиради. Жамият аъзолари Узбекистон ССРда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунни амалга оширишда, жониворлар ва ўсимликларни сақлаш ҳамда кўпайтириш, сув омборлари ва атмосфера ҳавосини мусаффо сақлаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда, республика шаҳар ва қишлоқларининг «яшил либоси»ни янада безашда актив қатнашмоқдалар.

Табиат — умуммиллий мулкдир ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари СССР янги Конституцияси муносабати билан алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда атмосферани, тупроқ, сувни, ўсимлик ва жониворлар дунёсини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни кўпайтириш соҳасида янада зўр ғайрат билан иш олиб бориш лозим.

Республикада саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги тез ўсиб бораётган бир шароитда жамият аъзоларининг диққат-эътиборини бундан буён ҳам табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланиш соҳасидаги энг муҳим вазифани ҳал этишга қаратиш зарур. Табиий ресурсларни сақлаш ва кўпайтириш буюк социал ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу масалалар билан мунтазам равишда шуғулланиш, янги ютуқларни ва илғор тажрибани аниқ-равшан пропаганда қилиш керак.

Ешлар ўртасида олиб бориладиган ишларга, йигит ва қизларни ана шу олижаноб ишга жалб этишга алоҳида эътибор бериш керак.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва республикада яшовчи ҳар бир киши табиат бойликларини муҳофаза қилиши, бу бойликларни кўпайтириш учун курашмоғи керак.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети табиатни муҳофаза қилиш жамияти ўз олдига қўйилган вазифаларни бундан буён ҳам шараф билан бажаради, табиатни муҳофаза қилиш ленинча ғояларини сабот-матонат билан пропаганда қилади ва коммунистик қурилиш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб қаттиқ ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ТАРБИЯВИЙ ИШНИНГ АСОСИ

Қувасойдаги 14-ғишт заводлари бошқармасининг донгдор ишчиси СССР Давлат мукофоти лауреати Нишонбой Сандов корхона ишчилари йиғилишида сўзга чиқиб, ўзининг жонажон коллективи, ҳамкасб ўртоқлари ҳақида фахр билан шундай деди: «Ҳаётдан ўз ўрнимни топиб олишимга ва ҳақиқий ишчи бўлиб етишишимга ёрдам бергани, кундалик ғамхўрлиги учун коллективга раҳмат. Яқинда республика партия ва ҳукумати қарори билан номим бошқа илғорлар қатори «Узбекистон ССР Меҳнат шуҳрати китоби»га ёзиб қўйилди. Бу фақат менинггина эмас, бутун коллектив эришган муваффақият натижасидир. Чунки коллективчинг ёрдами ва мададисиз мен ана шундай юксак маррани эгаллай олмас эдим».

Оддий ишчининг бу қалб сўзлари жамиятимиз асосий ячейкаси бўлмиш меҳнат коллективининг жуда катта тарбиявий ва сафарбар этувчи кучга эга эканлигининг ёрқин далилидир. Чиндан ҳам оммани меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш, давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар тақдири асосан ана шу меҳнат ячейкасида ҳал этилади, шу ерда дўстлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатлари шаклланади, совет кишисининг характери ва коммунистик ахлоқи қарор топиб, сайқалланиб боради. Коммунистик партия совет кишиларида юксак ахлоқий хислатларни тарбиялаш, коммунизм қурувчиси бўлган янги кишини шакллантириш проблемаларини изчил ҳал этишда меҳнат коллективларига катта ўрин бермоқда, уларнинг эътиборини барча меҳнаткашларни мустаҳкам коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашга қаратмоқда.

Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Оҳангарон цемент комбинати, Меҳнат Қизил Байроқ ордени Бухоро пахта тозалаш заводи, Жиззах районидаги Ленин ордени «Москва» колхози ва бошқа кўпгина коллективларда аҳиллик, ўртоқларча ўзаро ёрдам, шу билан бирга қатъий талабчанлик руҳи қарор топган. Ҳамма бир ишим учун, бир киши ҳамма учун деган олий принцип ана шу коллективларнинг ахлоқий нормасига айланган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, коллективнинг тарбиявий ишдаги яхши фаолияти сабабли бу ерда ҳар бир ходим меҳнат жараёнидаги ўз ўрнини равшан тасаввур қилади, ўзининг қайси ишни нима учун қилаётганлигини, ўзига нималар боғлиқ эканлигини, ўз меҳнати умумий ишнинг зарурий қисми эканлигини қалбдан чуқур ҳис этади.

Ҳозир янги инсонни тарбиялаш учун курашнинг олдинги сафларида бораётган қуйи партия ташкилотларининг фаолиятн айниқса муҳим аҳамият касб этяпти. Улар коллективнинг сиёсий ўзаги, жанговар авангардидир. Улар доимо омма орасида бўлиб кишиларнинг эҳтиёж ва талабларини яхши биладилар. Навоий кон металлургия комбинатида партия қуйи звенолари меҳнат кишиларида юксак ғоявий-ахлоқий фазилатларни қарор топтириш, уларни ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун сафарбар этиш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кишилар ўртасида ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатларини ўрнатиш юзасидан кўпгина ибратли ишлар қилмоқда. Партия группалари кишиларнинг қобилияти, найфияти, ютуқ ва камчиликларини яхши билганлари сабабли улар билан яқиндан кундалик иш олиб боришга муваффақ бўлмоқдалар. Коллективнинг тарбиявий ролини оширишда муҳим ўрин эгаллаётган бундай партия ташкилотлари ҳар бир корхона ва ташкилотда, колхоз ва совхозларда ҳам бор. Вазифа шуки, уларнинг ана шу соҳадаги фаолиятини янада кучайтирмоқ лозим.

Меҳнат коллективларида ким қандай ишлаётганлигига қараб илғорларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром, ўзида кўним, ишида унум бўлмаган баъзи дангаса, интизомсиз кишиларга нисбатан эса муросасизлик қайфияти уйғотилиб жуда тўғри иш қилинаётир. Коллектив активлиги унинг ҳар бир аъзоси активлигидан ташкил топади ва шу билан белгиланади. Агар коллектив меҳнат интизомини бузаётган шахсларга нисбатан бефарқ бўлса, бундай коллектив ўзининг тарбиячилик вазифасини ўтай олмайди. Баъзан шундай ҳам бўляпти-ки, софдил, меҳнатсевар кишилар ўз ёнидаги ялқов, сифатсиз маҳсулот тайёрлайдиган, худбин ва товламачи ичкиликбоз ва безори шахслар билан муроса қилиб келадилар, уларни фош этмайдилар, уларга қарши курашмайдилар. Айрим коллективларда эса бир-бирининг хатосини кўриб туриб кўз юмиш ҳоллари ҳам учрайди. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида бунгай иллатлар қаттиқ қораланди. Дарҳақиқат, бундай иллатлар оқибат-натижада бир-бирининг айбини яшириш ва янги-янги нуқсонларга йўл қўйишга, хатоларнинг янада чуқурлашишига олиб келади, коллектив аъзоларида бефарқлик, лоқайдликни келтириб чиқаради, умумий ишга маънавий зарар етказади. КПСС Марказий Комитети қарорида коммунистик ахлоқ нормаларидан озгина бўлса-да оғишга қарши муросасиз бўлиш ва ўз вақтида чора кўриш — коллектив олиб борадиган тарбиявий ишларнинг муҳим шарти эканлиги алоҳида қайд этилди.

Ҳар бир меҳнат коллективи партия Марказий Комитети қарорига асосланиб тузиб чиқилган конкрет тадбирлар асосида ўз аъзоларига индивидуал ёндашиб, уларнинг характери, ёши, табиати хобиляти, маҳорати, маънавий онгининг ўсиш даражаси, шунингдек камчиликларини қатъий ҳисобга олган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Масалан, «Главташкентстрой»га қарашли Тошкент 1-йўсозлик комбинатида кишиларга таъсир ўтказиш, уларни меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг барча воситаларидан унумли фойдаланилмоқда. Бу ерда ишчилар йиғилиши, ишчи комиссиялари, ўртоқлик судларининг обрў-эътибори катта. Корхонада вужудга келган анъаналарни пропаганда қилиш, илғорлар тажрибасини оммага етказиш юзасидан мунтазам иш олиб борилянти. Тарбиявий ишнинг бундай қўр-хазинасидан барча коллективларда ҳам омилкорлик билан фойдаланиш мумкин.

Корхона ва ташкилотлардаги соғлом маънавий муҳит кўп жиҳатдан раҳбар ходимнинг тажрибакорлиги, ширин муомаласи, одоб сақлай олиши, таъсир ўтказиш қобилиятига ҳам боғлиқдир. Ўз атрофидагиларга сўзи билангина эмас амалий иши билан, ўзининг ахлоқий қиёфаси, юриш-туриши билан таъсир ўтказадиган раҳбаргина яхши тарбиячи бўла олади. Ишда, оилада, бошқалар билан муносабатда коммунистик онглилик намунасини кўрсатадиган раҳбар бутун коллективнинг эътиборига сазовор бўлади, нишилар унга ишонадилар, атрофига уюшиб эргашадилар, у билан ҳар қандай ишга тайёр турадилар. Коллективда бундай раҳбар қанча кўп бўлса, уларнинг коллектив аъзоларига таъсири ҳам шунча кўп бўлади.

Ҳар куни меҳнат коллективлари сафига кўплаб ёшлар келиб қўшилмоқда. Уларга ҳаётдан ўз ўринларини топиб олишлари учун ғамхўрлик кўрсатиш, мураббийлик қилиб, фақат касб-кор ўргатиб ва маҳоратини оширибгина қолмай, турмуш сабоқларини ҳам бериш ана шу коллективнинг муҳим вазифасидир. Ешларга таъсир ўтказишда меҳнат анъаналари муҳим ўрин эгаллайди. Ишга янги қабул қилинган ишчини коллектив тарихи, меҳнат ютуқлари, коллектив олдида турган вазифалар билан таништириш, уларни ишчилар синфига тантанали суратда қабул қилиш, биринчи иш ҳақини эсда бир умр сақланадиган вазиятда кенса ишчилар иштирокида эгаларига топшириш каби янги анъаналар вужудга келмоқдаки, булар ёш авлод тарбиясида катта роль ўйнамоқда.

Республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Партия ва касаба союз ташкилотлари меҳнат коллективларининг тарбиячилик ва сафарбар этувчи кучига суянган ҳолда уларнинг ўнинчи беш йиллик тўртинчи йили план-топшириқларини бажаришдаги ролини ҳар томонлама оширишлари лозим.

◆ РЕСПУБЛИКАМИЗ ДЕҲҚОНЛАРИ УЛКАН ХИРМОН УЧУН КУРАШДА

◆ «КУМУШ ТОЛА» БУНЁДКОРЛАРИНИНГ АЖОЙИБ МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ

◆ ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Қаҳрамон бошлиқ совхозда

Донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон Жалолов директорлик қилаётган Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозининг баҳодирлари бу йил 3150 гектар ерда пахтадан мўл ҳосил етиштиришмоқда. Улар гектаридан пландаги 34 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишган. Хўжаликнинг Ҳакимжон Ҳамроқулов бошқарувчилик қилаётган бўлими аъзоматлари 55 центнерлик маррани кўзлашмоқда. Шу бўлимга қарашли Назиржон Деҳқонов бошлиқ бригада аъзолари эса 110 гектар ерда деҳқончилик қилишаётир. Улар ҳар гектаридан 65 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга шайланишган.

Совхоз азаматлари ғўзага иккинчи ишлов беришни муваффақиятли тугаллаб, учинчи ишлов беришни ҳам уюшқоқлик билан бошлаб юборишдилар. Моҳир пахтакор Мухтасархон Зокирова бошқарувчилик қилаётган бўлимда бу иш, айниқса, уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Гектаридан 55 центнердан хирмон кўтаришга азму-қарор қилган бу бўлим пахтазорларида ғўза шоналай бошлади. Шу бўлимга қарашли Мавлуда Ҳасанова бошлиқ бригада далаларидаги ғўзани кўрган киши-нинг кўзи яшнайди. Бригаданинг моҳир механизаторлари ёппасига шонага кирган ғўзаларга учинчи марта ишлов беришни тугаллаш арафасида туришибди. Бу илғор коллектив гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етиштиришга қарор қилган. Суратда: илғор бригада бошлиғи Мавлуда Ҳасанова.

А. Тўраев фотоси.

Пиллакорлар ютуғи

КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиб бораётган Янгиариқ райони пиллакорлари халқ хўжалик планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Она-Ватан хирмонига 156 тоннадан знёд қимматли маҳсулот етказиб беришди. Ҳар қути қурт уруғидан 71 килограммдан «кумуш тола» йиғиб-териболинди. Ғалабага Киров номли, Чапаев номли, Аваз Ўтар номли, «Москва» ҳамда «Коммунизм» колхозларининг пиллакорлари катта ҳисса қўшдилар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ НАМОЙИШ ҚИЛДИ

«Биз Чехословакия машинасозлик саноатининг ютуқларига қойил қолдик. Социалистик мамлакатларнинг аҳил оиласида қардошларимизга катта муваффақиятлар тилаймиз».

Бу — ўн кун давомида Тошкентда ишлаб турган виставка томошабинларидан бирининг таассуротлар дафтарига ёзиб қолдирган хатларидан биридир.

Виставка ишлаб турган чоғда «Инвеста» бирлашмаси 1980 йилда енгил саноат учун машина-ускуналар етказиб бериш тўғрисида Совет Иттифоқидаги ташқи савдо ташкилотлари билан шартномалар тузди. Бундан ташқари, «Инвеста» бирлашмасининг вакили хабар қилганидек, Тошкентда намойиш этилган экспонатларнинг кўп қисми Ўзбекистонда қолади ва республика енгил саноати корхоналарида ишлатилади.

Чехословакиядан келган меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Самарқандга экскурсия қилдилар.

[ЎзТАГ].

КАСПИЙНИНГ ИЛИҚ ШАБАДАСИ

БОКУ, 5 июнь. (ЎзТАГ махсус мухбири А. Баранов). Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг қатнашчилари бугун барвақт турдилар. Ўзбекистон вакиллари жойлашган «Озарбайжон» меҳмонхонасининг кенг залларида эрталабданоқ ларнинг бокуликлар билан учрашувлари бошланди. Бу учрашувлар расмий программада кўзда тутилмаган норасмий учрашувлар эди. Кишилар ўзларининг ҳис-туйғуларини изҳор этиш, қардош республиканинг аллақачондан таниш бўлиб қолган ва севимли санъат усталарини кўриш учун бу ерга келишган эди.

Ўзбекистон вакиллари шу куни эрталаб тантанали равишда Хукумат уйи олдидаги Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига, 26 Боку комиссари ёдгорлигига рангбаранг гулдасталар қўйишди.

5 июнь куни республика пойтахтида, шунингдек, Сумгаитда, Озарбайжоннинг бошқа баъзи бир шаҳарларида ўзбек санъати кўргазмалари ишлай бошлади. Озарбайжонлик моҳир рангчилар етиштирган табиатнинг жонли дурдоналарини кўргазмаларнинг очилиш маросимида кўриш мумкин эди.

Ўзбекистон тасвирий санъат усталари ўз асарларини Бокудаги марказий кўргазма зали — Давлат картина галереясида намойиш қилмоқдалар. Кўргазмада машҳур мўйқалам усталари — Бадиий академиянинг академиги СССР халқ рассоми Ў. Тансиқбоев, Ўзбекистон ССР халқ рассомлари Н. Кашина ва Н. Карахан, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ рассоми Ч. Аҳмаров, СССР Бадиий академиясининг мухбир-аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Р. Аҳмедов ва бошқаларнинг картиналари билан бир қаторда Ўзбекистоннинг ўрта ва ёш авлодига мансуб рассомлари ижодиёти ҳам кенг намойиш этилмоқда.

Томошабинлар кўргазмани мароқ билан кўздан кечирмоқдалар. Мана, уларнинг таассуротлар китобига ёзиб қолдирган дастлабки сатрлари: «Ўзбекистон рассомлари орасида савияси жиҳатидан ҳар қандай миллий мактабнинг энг яхши намояндаларидан колишмайдиган чиначам усталар етишиб чиққан... Бу ерга қўйилган картиналар Ўзбекистондаги кишиларнинг ҳаёти ва меҳнатини яқ қол кўришга ёрдам беради. Бунинг учун рассомларга ва кўргазманинг ташкилотчиларига катта раҳмат».

Озарбайжонда очилган бошқа кўргазмалардаги, Бокудаги давлат санъат музейи биносида очилган Ўзбекистон декоратив амалий санъати кўргазмасида, Сумгаитдаги Давлат картина галереясининг филиалида очилган акварел ва Эстами кўргазмасида, Озарбайжон ССР Бадиий фондининг виставка залида, Халқаро болалар йилига бағишланган болалар расмлари кўргазмасида, «Совет Ўзбекистони» фотовиставкасида, Озарбайжон Рассомлар союзининг виставка салонида, кенг экспозициялари жойлашган монументал санъат ва архитектура фотовиставкаларидаги таассуротлар китобида ҳам худди шундай самимий сидқидил сўзларни ўқиш мумкин.

Озарбайжоннинг бош китобхонаси — М. Ф. Охундов номли Давлат кутубхонасида ишлаб бошлаган китоб кўргазмасида одамлар жуда гавжум. Ўзбекистон ССРдаги ҳамма китоб нашриётларининг маҳсулоти — салкам саккиз юз номдаги китоб, бадиий, сиёсий, махсус адабиётнинг энг яхши намуналари, Ўзбекистонда чоп этилган дарсликлар бу ерга қўйилган. Айни вақтда Бокунинг турли бурчакларида очилган ярмаркаларда истаган кишилар ўзбек адибларининг китобларини сотиб олишлари мумкин.

5 июнь куни кечқурун В. И. Ленин номли саройда Озарбайжонда Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. **(Очилиш маросими тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет болалар адабиёти соҳасидаги хизматлари учун шоир Мардонкул **Муҳаммадқулов**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Госплани меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи ва меҳнат ресурслари бўлимининг бошлиғи Иброҳим **Исҳоқов**ни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика совет ва хўжалик органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан СССР Геология министрлиги ҳарбий Бутунитифоқ «Союзкварцсамоцвети»саноат бирлашмаси «Средазкварцсамоцвети» экспедициясининг бошлиғи Воҳид Бажонович **Иногомов**ни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик самарали илмий ишлари, актив жамоатчилик фаолияти учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Фанлар академияси Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти лабораториясининг мудири, техника фанлари доктори профессор Владимир Тихонович **Рассказовский**ни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми филология фанини ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Узбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори Маҳмудали Юнусович **Юнусов**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Узбекистон ССРда капитал қурилишни ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда республикадаги бир қанча муҳим объектларни қуришга шахсан катта ҳисса қўшганлиги учун Узбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитети лойиҳа ва сметаларни экспертиза қилиш бошқармаси бошлиғи Виталий Федорович **Пономарев**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми амалий санъатни ривожлантириш, нодир тошлардан бадиий асарлар яратиш ва пропаганда қилиш соҳасидаги катта хизматлари учун Узбекистон ССР Геология министрлигининг «Ташкентгеология» бирлашмасига қарашли «Химгеолнеруд» экспедициясининг бадиий хусусиятларини ўрганиш отрядининг бошлиғи Юрий Алексеевич **Котов**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуот органларида ва китоб савдосида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Андижон область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармасининг бошлиғи Дмитрий Александрович **Данильян**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика полиграфиясида кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун Узбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлиги босмахонасининг техник раҳбари Қобил **Умаржонов**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

Планета устида юз кун

5 июнь куни Владимир Ляхов билан Валерий Рюмининг учиш графигида ҳеч қандай алоҳида воқеа юз бермаган бўлса-да, Ер—Орбита алоқа линиясида тантанали вазият ҳукм сурди. Космонавтлар юз кун ўтдилар. Шундай қилиб космонавтика тарихида иккинчи экипаж юз кунлик марраданўтди.

Орбита бўйлаб 140 суткалик рейс қаҳрамонлари — В. Ковалёнок билан А. Иванченков космонавтларни биринчи бўлиб қутладилар. Улар экипажга сиҳат-саломатлик ва ишда муваффақиятлар тиладилар.

Шу куни космосга байрам табрикларидан ташқари амалий иш-ларни ҳам ёйлантирди. Учишни бошқариш марказида табиий ресурсларни ўрганиш программаси бўйича ишлаётган Қишлоқ хўжалиги, Геология, Нефть саноати, Ўрмон хўжалиги министрликларининг вакиллари «Салют—6» ичидан туриб кузатиш ва суратга олиш натижалари яхши самаралар бераётганлигини маълум қилдилар.

Медиклар учун ердан ташқарида икки ойдан кўпроқ вақт ишлаган космонавт «вазнсизлик юртига» чиққан кишидир. Космонавтга одат бўлиб қолган еркинг тортиш кучи йўқлиги халқит бериш у ёқда турсин, тўла жисмоний эркинлик, ҳаракатларда енгиллик ҳиссини ҳам беради.

— Экипаж, — деди экспедициянинг медицина таъминоти раҳбари А. Егоров, — иш қобилияти ғоятда ортганлиги, руҳининг доимий яхшилиги билан бизни ҳайратга солмоқда. Космонавтлар бўш вақтларида уларда ердан, ўз уйларидан ажралиш ҳисси вужудга келмаслиги учун учишни бошқариш мутахассислари билан биргаликда керакли ҳамма ишларни қиляпмиз, албатта. Дўстлар билан доимо гаплашиб туриш, телевидение орқали оилалари билан суҳбат қуриш, музикали эшиттиришлар — буларнинг ҳаммаси космонавтлар кайфиятининг яхши бўлишига ёрдам беради. Улар 5 июнь кечқурун планета узра 101-иш суткасини бошлайдилар.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ИШИ—ҲАММАНИНГ ИШИ

КУН ТАРТИБИДА—ИНСОН КАМОЛОТИ

ҚУМҚУРҒОН РАЙОНИДАГИ «ПАХТАКОР» СОВХОЗИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН

Коммунистлар, активлар партия йиғилишига тўғри даладан, иш бошидан келишди. Бир кун илгариги ёмғир пахтазорларда қатқалоқ ҳосил қилган, ҳар туп ниҳолни асраб қолиш учун ёшу қари тонг саҳарлаб далага чиққан эди. Ана шу фидонорона меҳнат, ялпи сафарбарлик ва шижоаткорлик руҳи очиқ партия йиғилишидаги фикр олишувга ҳам кўчди. Шахс камолотини такомиллаштириш, меҳнат коллективларида сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш учун нималарга эътибор бермоқ лозим? Кишиларда актив ҳаётий позицияни қарор топтиришнинг омиллари қандай? Тарбия иши — ҳамманинг иши деймиз, шундай бўлгач, нега айрим раҳбарлар қуруқ маъмуриятчилик, буйруқбозлиқ билан шуғулланадилар? Нега одамлар билан дилдан суҳбатлашмайдилар? Уларнинг қалбига йўл топмайдилар? Партия ташкилоти кампаниячиликка барҳам бериб, тарбиявий ишнинг яхлит системасини қарор топтириш учун нималар қилмоғи керак?

Коммунистлар партком секретари Ҳ. Саломовнинг КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида совхоз партия ташкилотининг вазифалари ҳақидаги докладини муҳокама қилиб, ана шундай актуал масалаларни илгари сурдилар, тарбиявий ишни ташкил этишда содир бўлаётган камчиликларни принципиал, холис танқид қилдилар.

БУРЧ ҲИССИ ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПАЙЛИК

Менглимамат САНДОВ,
5-бўлим бошқарувчиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

— Очиқ партия йиғилишимизда навқирон коллективимиз ҳаёти, қўриқ совхозимиз истиқболи учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар муҳокама қилинмоқда. КПСС Марказий Комитетининг сўнгги қарорида ҳам ҳозирги даврда тарбиявий ишни янада юқорироқ босқичга кўтаришнинг асосий йўллари очиқ-ойдин кўрсатиб берилди.

Партиямиз ҳозирги даврга келиб, сиёсий-тарбиявий иш самарадорлигини ошириш тўғрисида ана шундай муҳим қарор қабул қилганлиги бежиз эмас. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларда актив ҳаётий позицияни камол топтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини ҳар қачонгидан ошириш бугунги кунинг муҳим вазифасидир. Афсуски, партия ташкилотларининг сиёсий-тарбиявий ишида бир қатор нуқсон ва камчиликлар юз бермоқда. Қарорда кўрсатилган камчиликлар бизнинг ташкилотимизга ҳам таллуқлидир. Меҳнаткашларнинг онглилигини ошириш, уларга ҳаётимизда юз берётган муҳим социал-иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида тўла ахборот бериш иши яхши йўлга қўйилган деб айта олмаймиз. Кишиларда халқ олдидаги, Ватан олдидаги, партия олдидаги бурчни ҳис этиш туйғусини тарбиялашни янада кучайтириш керак.

Нотиқ бурчни ҳис этиш ва бурч масъулияти тўғрисида тўлқинланиб гапирди. Бу бежиз эмас. Бурч ҳиссиёти Саидова жуда эрта уйғонди. 17 ёшида Бойсунниг Шўропидан жангу жадал майдонига отланди. Одессани гитлерчилардан тозалашда, Молдавияни, Руминия, Болгария, Югославияни озод этишда қатнашди. Будапешт учун бўлган жангларда оғир яраланди. Сержант Саидов она юртига Қизил юлдуз ордени ва жанговар медаллар тақиб қайтди. Халқ хўжалигини тиклаш учун курашнинг олдинги марраларида меҳнат қилди. Пахтачиликни юксалтиришдаги шижоати туфайли Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштириш бошланганда коммунист илгариги «иссиқ» ўринларда хотиржам ишлай олмади.

— Бурчни ҳис қилиш кишига шундай катта куч бағишлайдики, одам ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўта олади, мураккаб вазиятларда голиб чиқади. Лекин бу туйғу ўз-ўзидан шакланмайди. Уни тарбиялаш керак. Бунда матбуотимиз, телевидение, радио эшиттиришлари, оғзаки, сиёсий агитациянинг роли ғоят каттадир.

Афсуски, ҳаётимизда ҳали ҳам воқеаларга бефарқ, катта-катта вазифаларни бажаришга лоқайд қарайдиган кишилар учрайди. Сўзи билан амалий иши бир-биридан аждаралиб қолган ходимлар ҳам йўқ эмас. Ана шу ўринда газеталаримизнинг ўткир, принципиал чиқишларига эҳтиёж сезамиз. Коммунист намунаси, партиявий ибрати муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Матбуотимиз масаланинг мана шу томонига чуқур ёндашиб тўғри қилмоқда. Биз ишнинг муваффақиятини кўпчилик, бутун-бутун коллективлар ҳал қилаётганини унутмаслигимиз керак. Бу жиҳатдан «Ёнимизда қолоқлар бўлмасин» ҳаракатининг тарбиявий ролига матбуотимиз катта эътибор бераётгани диққатга сазовордир. Партия ташкилотимиз истиқомат жойларида ҳам тарбия ишини мунтазам олиб бормоғи лозим.

ПРОПАГАНДА ВА АГИТАЦИЯНИНГ ҲУЖУМКОРЛИК ХАРАКТЕРИ РИВОЖЛАНТИРИЛСИН. ЖАМИКИ ЯНГИ ВА ИЛҒОР, ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАР ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНСИН, ОЛҒА ТОМОН ҚИЛАЁТГАН ҲАРАКАТИМИЗГА ХАЛАҚИТ БЕРАЁТГАН ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ КЕСКИН КУРАШИЛСИН. НОВАТОРЛАРНИНГ РЕКОРД КЎРСАТКИЧЛАРИ ШУНЧАКИ БИР МАҚСАД БЎЛМАЙ, БАЛКИ ОММАНИНГ МЕҲНАТ ҒАЙРАТИНИ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА САФАРБАР ЭТИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ ЭКАНЛИГИГА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА ИШ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ РЕЗЕРВИ ЭКАНЛИГИГА АСОСЛАНИБ ИШ ҚЎРИЛСИН. МЕҲНАТДА, ЖАМОАТ ҲАЁТИДА ТАШАББУСКОРЛИК БИЛАН ИЖОДИЙ ҚАТНАШИШ — ИНСОННИНГ ҒОЯВИЙ, ГРАЖДАНЛИК ЕТУКЛИГИ КЎРСАТКИЧИДИР.

(КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан).

ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПАЙЛИК

Зиямурод БОЙБУЛОВ,
бригадир

— Идеология ишини юксак даражага кўтариш аввало кишилар қалбига йўл топишдан бошланади. Меҳнат коллективларида олиб борилаётган сиёсий ва маънавий тарбия ишида ҳар бир коммунист партиявий манфаатдорликни ҳис этиб қатнашмас экан, ўзининг бутун малакасини, ҳаётий тажрибасини, билимини одамлар билан диллашишга, уларнинг кучғайратини асосий вазифаларга қаратишга бағишламас экан, умуман, бу ишнинг самарадорлиги ҳақида гапириш мумкин эмас. Бригадамизда кўп одам ишламайди. Коллективимиз кичик. Лекин ҳар бир кишининг ўз ҳаракатери, ўз иштиёқи, майли, орзуга эришишда ўзига хос йўли бор. Биз пахтакорлар билан олиб бораётган ҳар куни тарбиявий ишимизда буларни алоҳида эътиборда тутмоқдамиз.

Йиғилишга тайёргарлик кўрилаётганда, Бойбулов бир воқеани гапириб берди. Сувчи Хўжам Шерқулов дала ишлари авжи қизиган кезларда бетоб бўлиб қолди. Уни бригада аъзолари огир ҳолатда қўшни совхоздаги касалхонага олиб боришди. Шу кундан бошлаб, бригада аъзолари ҳар куни ундан хабар олиб туришди. Шерқулов чўлда орттирган дўстларининг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги туфайли тез орада согайиб, ишга қайтди. Энди у бирор корҳол юз берса, ёлғиз эмаслигини билади. Ана шу ишонч чўлда муқим ишлашга, бутун кучини коллективнинг муваффақиятини таъминлаш учун сарфлашга бағишлашга ундаётир.

— Коллектив қанчалик кичик бўлгани билан унда меҳнат қилаётган хилма-хил майлдаги кишиларни бир мақсадга йўналтириш ўзига хос маҳорат талаб қилади. Биз бир сувчининг тажрибаси бошқаларнинг ҳам мулкига айланиши, бир теримчининг ишдаги новаторлигини бошқалар ҳам эгаллаб олиши учун бутун чораларни кўраётгирмиз. Тарбия ишимиз одамларга ғамхўрлик билан, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш билан қўшиб олиб борилмоқда. Аксинча, буларсиз тарбия ҳақидаги бутун тадбирлар қурук гапдан бошқа нарса бўлмай қолади.

Биз 45 гектар ерда деҳқончилик қилаётгирмиз. Бу йилги маррамиз — 50 центнер. Маслаҳатлашиб, мажбуриятни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллиги кунигача бажаришга қарор қилдик. Ҳозир жуда катта қийинчиликларга қарамасдан дала ишларини тадбиркорлик билан олиб боратирмиз. Шу ўринда пахтакорлар тўғрисида, уларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш тўғрисида етарли ғамхўрлик кўрсатилмаётганини таъкидламоқчиман. Аввало, совхозимизда медицина хизмати кўрсатишни тўғри ташкил этиш, чоғроқ шифохона очиш зарур. Чунки, район марказидан анча олисда, чўл ичкарисида, дала-даштда яшаб, меҳнат қилаётган пахтакорларимизнинг саломатлигини сақлаш ғоят муҳим вазифадир.

Бригадамизда ажойиб пахтакорлар бор. Улар дастлабки йиллардаёқ чўлда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Рамазон Қаршиев, Умир Худойназаров сингари сувчиларимиз, Соатмурод Сариев, Холбой Ҳазратқулов, Солия Валиева, Ойбаҳор Қаршиева, Гулсара Зокирова сингари комсомол-ёшларимиз мислсиз жасорат кўрсатишяпти. Чўлга чиқиб меҳнат қилаётган, бугунги кун техникасини эгаллаб, мўл ҳосил учун курашда ўзига хос фидокорлик кўрсатаётган ёшларимизнинг қаҳрамонлиги газета очеркларида, радио эшиттиришларида ўз ифодасини топишини истардик.

ЧЎЛ ГУЛЛАРИ

Жумагул ЧОРИЕВА,
бригадир, халқ депутатлари Сурхондарё область Советининг депутати

— Совхозимизнинг равнақига муносиб ҳисса қўшаётган меҳнатсевар, жонкуяр хотин-қизларнинг, комсомол-ёшларнинг номини ҳозиргина тилга олиб ўтишди. Уларнинг ҳаёти, меҳнати чинакам таҳсинга лойиқ. Чунки хотин-қизлар чўлда фақат ер очаётганлари йўқ, фақат пахта ундираётганлари йўқ. Улар оила қурмоқдалар, фарзанд ўстирмоқдалар, яқин келгусида коммунистик қурилиш ишини ўз қўлига оладиган навқирон авлодни вояга етказмоқдалар. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрлик партия ташкилотининг ҳамиша эътиборида бўлмоғи керак.

Очиқ партия йиғилиши арафасида биз ёш механизатор Эргаш Усмонов хонадонида бўлдик. Эргаш ўсмирлик давридаёқ Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштиришга отланганлардан. У даставвал Сурхон воҳасининг Хўжамқул Рустамов, Холмўмин Сафаров сингари донгдор деҳқонлари билан ёнма-ён меҳнат қилди. Чўл ичкарисида «Пахтакор» совхози ташкил этиладиган бўлганда, у янги хўжаликка отланди. Ҳозир Эргаш яшаётган уй ўрни бундан бир ярим-икки йил олдин яйдоқ ер эди. Улар чўлга кўчиб келишгач, ер очиб, чигит экиб, пахта етиштиришди. Ўй очиб, ўзларига уй-жой қуришди. Чиннихол ҳам шу совхозга чўл қувиш ишчида келганди. Улар чўлда учрашишди. Бахтларини чўлдан топишди. Ҳозир ёш оила тўнғичини севаб-суйиб вояга етказмоқда. «Сафаржон ҳам чўл йигити», — дейди Эргаш. «У ҳам чўл қувади», — қўшиб қўйди Чиннихол.

— Лекин биз пахтазорда эртадан кечгача тер тўкиб меҳнат қилаётган хотин-қизлар тўғрисида етарли ғамхўрлик қилаётирмизми? Уларнинг уй-рўзғор ишларини ва меҳнат шароитини енгиллаштириш чораларини кўраётирмизми? Ҳозирча бу саволларга қониқарли жавоб бериш қийин. Тўғри, совхозимизда боғча қурилгани. Лекин маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳали чинакамига йўлга қўйилмаган. Дала шийпонлари қуриш ҳам эътибордан четда қолмоқда.

Биз хотин-қизларни ҳаётимиз гуллари дейміз. Агар таъбир жоиз бўлса, улар мана шу кенг чўлларинг гули, ҳақиқий бекаларидир. Партия ташкилоти ана шу кишиларнинг камолоти, маънавий тарбияси, шахсий маданиятини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоғи даркор. Бу ҳам пахта етиштиришни кўпайтиришда, чўлни ўзлаштиришда ғоят муҳимдир.

ЭЪТИҚОДНИ ЧИНИҚТИРИБ

Тожи БАКИРОВ,
марказий ремонт устахонасининг механиги

— Устахонамиз ремонтчилари партия Марказий Комитетининг қарорини чуқур ўрганмоқдалар. Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ўтказаётган суҳбатлар янги кишини, коммунизм қурувчисини тарбиялашга хизмат қилмоқда. Устахона ишчи ва хизматчилари иқтисодий таълим системасида ўтказилаётган машғулотларга қатнашиб, ўз билимларини оширмоқдалар. Коллективимизда сиёсий-тарбия ишини изчил йўлга қўйиш натижасида чўлқуварларнинг эътиқоди чиниқмоқда.

Партия ва комсомол сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системаларидаги машғулотларга 220 тингловчи қатнашиб, ўз назарий билимини оширди. Пропагандистлардан Дўстёр Қурбонназаров, Жуманазар Мамадиев, Қаландар Искандаров ўртоқлар уларга пухта назарий билим бермоқдалар, тингловчиларда иқтисодий таҳлил ва меҳнатни илмий ташкил этиш нўноқлигини ҳосил қилмоқдалар. 24 агитатор, 16 сиёсий ахборотчи, «Билим» жамиятининг 28 аъзоси чўлқуварларда актив ҳаётий позицияни шакллантирмоқда. уларни ижтимоий-сиёсий активлик, меҳнатда фидокорлик руҳида тарбиялаб, Оғзаки сиёсий агитациянинг Жўра Турсунов, Бозор Қодиров сингари жонкуярлари самарали тарбиявий иш олиб бораётирлар.

— Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин халқ оммаси онглилигини ва активлигини ошириш бутун ишнинг муваффақиятини таъминлашини алоҳида уқтирган эди. Эндиликда бу партия ташкилоти фаолиятининг асоси ва ғоят муҳим мазмунига айланмоқда. Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, партия комитетимиз коллективларда тарғибот-ташвиқот ишини олиб бориши лозим бўлган коммунистлар, мутахассислар ва раҳбарларнинг масъулиятини муттасил ошириб бориш йўлида изчил ишламаётир. Уларнинг ҳисоботини эшитиб бориш, идеология ходимлари ишига баҳо берганда коллективдаги маънавий муҳит, одамларнинг ишчанлиги, социалистик мусобақа якунлари инобатга олиниши керак.

ЁШЛАР—КЕЛАЖАГИМИЗ

Абдумурод ЗОКИРОВ,
4-бўлим бошқарувчиси

— Бўлимимизда пахтакорларнинг кўпчилигини комсомол-ёшлар ташкил этади. Улар доҳий Ленининг коммунизмни ўрганиш, коммунизмнинг муносиб қурувчилари бўлиб етишиш тўғрисидаги васиятларига жавобан сабот-матонат билан меҳнат қилмоқдалар, чўлни бўстонга айлантирмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг қарори муносабати билан партия ташкилоти ёшлар ўртасида олиб бораётган тарбиявий ишнинг кўлами янада кенгайди. Биз йигит-қизларни Ленин партиясининг, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашимиз керак.

Бўлимда янги анъаналарни жорий этиш, маросимларни биргаликда уюшқоқлик билан ўтказиш одат. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Коммунизм қурувчилари ахлоқ кодексининг ана шу қоидаси коллектив ҳаётининг қонуни бўлиб қолган. Биргина мисол бунинг далили бўла олади: механик Хурсанд Қувватов уй қуриши лозим эди. Ленин техника ремонти, уни ишлатиш билан банд бўлиб, бунинг уддасидан чиқа олмади. Уй қуришга қўли тегмади. Шунда Чоршанби Тўраев, Тўра Собировлар бош-қош бўлиб, ҳашар уюштиришди. Кувватовлар оиласи учун тўрт хонали уйни қисқа муддатда битказиб беришди. Эшик-ромларини қуриб, суваб-бўяб, кейин: «Мана, бемалол яшайверинглар», — деб калитини топширишди. Бу ҳол механиннинг кучига-куч қўшди. У олдингидан ҳам кўра чуқур эътиқод билан, жонкуярлик билан меҳнат қила бошлади.

— Афсуски, кўпинча ёшлар билан ишлашда уларнинг билими, айниқса, ҳаётий тажрибаси етишмаслигини унутиб қўямиз. Шу туфайли улар билан суҳбатимиз кўпинча расмий руҳда ўтади, қуруқ гап сотишга айланиб қолади. Сўзимиз йигит-қизлар кўнглига чуқур ўрнашмайди. Очиғи, баъзиларимизнинг «ибчи қатнашиб, ўз назарий билимини оширди. Пропагандистлардан Дўстёр Қурбонназаров, Жуманазар Мамадиев, Қаландар Искандаров ўртоқлар уларга пухта назарий билим бермоқдалар, тингловчиларда иқтисодий таҳлил ва меҳнатни илмий ташкил этиш нўноқлигини ҳосил қилмоқдалар. 24 агитатор, 16 сиёсий ахборотчи, «Билим» жамиятининг 28 аъзоси чўлқуварларда актив ҳаётий позицияни шакллантирмоқда. уларни ижтимоий-сиёсий активлик, меҳнатда фидокорлик руҳида тарбиялаб, Оғзаки сиёсий агитациянинг Жўра Турсунов, Бозор Қодиров сингари жонкуярлари самарали тарбиявий иш олиб бораётирлар.**

— Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин халқ оммаси онглилигини ва активлигини ошириш бутун ишнинг муваффақиятини таъминлашини алоҳида уқтирган эди. Эндиликда бу партия ташкилоти фаолиятининг асоси ва ғоят муҳим мазмунига айланмоқда. Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, партия комитетимиз коллективларда тарғибот-ташвиқот ишини олиб бориши лозим бўлган коммунистлар, мутахассислар ва раҳбарларнинг масъулиятини муттасил ошириб бориш йўлида изчил ишламаётир. Уларнинг ҳисоботини эшитиб бориш, идеология ходимлари ишига баҳо берганда коллективдаги маънавий муҳит, одамларнинг ишчанлиги, социалистик мусобақа якунлари инобатга олиниши керак.

ТАРБИЯВИЙ ИШ САНЪАТИ

Нурмамат ЭШМАМАТОВ,
совхоз директори, райком аъзоси

— Давримиз ривожланган социализм даври. Бунинг ижодкори — партия. КПСС ленинчи Марказий Комитетининг сўнгги қарори, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарларида баён этилган хулосалар асосида тарбиявий ишни янада кучайтиримоғимиз керак. Биз мана шу даштга партия чақириғи, виждон амри билан келдик. Уч йилда ҳосилдорликни 20 центнердан 28 центнерга кўтардик. Бу йил 38 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқдамиз.

Тарбиянинг асоси, партия Марказий Комитетининг қарорида кўрсатиб ўтилгандек, меҳнатдир. Биз меҳнатда камол топмоқдамиз. Меҳнат билан она юртимиз қиёфасини ўзгартирмоқдамиз, куч-қудратини оширмоқдамиз. Гап, сўз, баландпарвоз докладлар билан тарбия проблемасини ҳал этиб бўлмайди. Сўз билан иш бир-биридан ажралиб қолган, ташкилий, хўжалик ва идеология ишларининг бирлиги таъминланмаган жойда тарбиявий ишнинг самарадорлиги анча пасайиб кетади.

Эшмаматов тарбия ишини амалга оширишда раҳбарнинг роли, унинг коллективда кишиларни маънавий камол топтириш санъати ҳақида атрофлича гапиради. Дарҳақиқат, раҳбар янги инсонни тарбиялашда муҳим фигура. «Пахтакор» совхозида бундай ишбилармон, тадбиркор, одамлар билан диллаша оладиган, уларни катта-катта вазифаларни амалга оширишга чиниқтирмоқда. У ўзига топширилган вазифани садоқат билан адо этиб, дарсликларнинг сифатли чиқишига ҳисса қўшяпти.

И. Глауберзон фотоси.

Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси бу йил Ўзбекистон ўрта мактаблари учун 3 миллион 700 минг нусха дарсликлар тайёрлаб беради. Суратда: корхонанинг муқовалаш цехи назоратчиси Н. Сартабоева дарсликларнинг сифатини кўздан кечирмоқда. У ўзига топширилган вазифани садоқат билан адо этиб, дарсликларнинг сифатли чиқишига ҳисса қўшяпти.

И. Глауберзон фотоси.

ҒАЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Ғузор районидаги «Ғузор» давлат наслчилик заводи ғаллакорлари етиштирилган мўлкўл дон ҳосилини тез ва тоза ўриб-йиғиб олишга актив киришиб, улкан ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга дон сотиш йиллик плани икки иш кунида 111 процент қилиб бажарилди. Тайёрлов пунктига 250 тонна ўрнига 270 тонна сара дон топширилди.

Ғаллазорларда комбайнлар садоси бир зум тинмаётир. Давлатга ғалла топшириш қизғин давом этмоқда. Азамат ғаллакорлар бу йил ҳар гектар лалми ердан 15 центнердан дон олиш билан беш йиллик план миқдорида ғалла тайёрлаш ва давлатга топшириладиган арпа-буғдойни 1250 тоннага етказиш учун ғайратни бир дақиқа ҳам бўшаштирмаяптилар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

В. Д. Фигельский туғилган кунининг 90 йиллигига

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашнинг актив қатнашчиси Владислав Дамианович Фигельский туғилган кунининг 90 йиллиги мамлакатимизда, жумладан, Ўзбекистонда кенг нишонланмоқда. Шу шонли санага бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Ўзбекистонга Польша Халқ Республикасининг вакиллари таклиф этилган. Улар орасида Польша — Совет дўстлиги жамияти президиумининг аъзоси Норберт Пихта, Польша Бирлашган Ишчи партияси ҳузуридаги Марксизм-ленинизм асосий проблемалари институтининг ходими, фан доктори Бронислав Роднак, мактаб директори Тодеуш Курдевский, В. Д. Фигельскийнинг набираси Ян Зинкевичлар бор. Тантаналарда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг олимлари ҳам қатнашмоқдалар. Меҳмонлар Самарқанд ва Бухоро да бўлиб, Самарқанд шаҳри жамоатчилигининг оташин революционер хотирасига бағишланган тантанали мажлисида, Тошкентда Польша — Совет дўстлиги митингида қатнашадилар. 14 Туркистон комиссари ҳайкали пойига гулчамбар қўядилар. Бу — Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган интернационал дўстлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Улуғ Октябрь Шарқ халқлари, шу жумладан, Туркистон халқлари тарихида буюк бурилиш нуқтаси бўлди. Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш жуда катта қийинчиликларга дуч келди, миллий буржуазия, феодалбой элементлар, оқ гвардиячилар ва реакцион диндорлардан иборат контрреволюцион кучлар ёш Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаб, эски тартибларни тиклашга уринди. Ана шу ҳал қилувчи синфий курашда, янги ҳаёт учун курашда ўзининг бутун ҳаётини халққа, коммунизм ғояларига бағишлаган Коммунистик партия солдатлари, большевик-революционерлар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Партиянинг ана шу жанговар солдатлари орасида Владислав Дамианович Фигельский ҳам бор.

Поляк халқининг фарзанди, Коммунистик партиянинг актив жангчиси, революционер-интернационалист, Туркистонда социалистик революция ва гражданлар урушининг қатнашчиси В. Д. Фигельский 1889 йилда Польшада Плоцк шаҳрида, қоғоз фабрикасининг ишчиси оиласида дунёга келди. 1909 йилда шу шаҳардаги гимназияни битиргач, Краков университетининг аниқ фанлар бўлимига ўқишга кирди. Кейин Парижда Сорбонна университетида маълумотини давом эттирди. Владислав Дамианович бу ерда Владимир Ильич Ленин билан танишиб, унинг даҳоси, заковат кучи, беҳад катта билими, революцион эҳтироси ва чин инсоний фазилатларига қойил қолди. Бу ҳол унинг дунёқарашини шакллантирди.

В. Д. Фигельский 1913 йилда математика факультетини муваффақиятли тугаллаб, математика фанлари кандидати илмий даражасини олди. Ватанига қайтгач, революцион фаолиятда актив қатнашди ва бунинг учун чор самодержавиеси томонидан 1914 йилда Ўрта Осиёга сургун қилинди. Самарқандга келгач, бир оз вақт нотариус Беляевнинг идорасида ишлади. Шу йилнинг сентябридан бошлаб Самарқанд хотин-қизлар гимназиясида математика ўқитувчиси вазифасини бажара бошлади.

В. Д. Фигельский 1915 йилнинг ноябрида чор армияси сафига чақирилиб, Казалинск шаҳрида жойлашган запасдаги 4-Сибирь полкида хизмат ўтай бошлади. Хизмат вақтида камтарлиги, оддийлиги, солдат биродарлари билан сидқидил муносабатда бўлиши, ижтимоий ҳаётни яхши билиши туфайли улар орасида катта обрў топди. У солдатлар орасида ташвиқот ишлари олиб борар, урушнинг империалистик моҳиятини, большевикларнинг империалистик урушни чор самодержавиесига, эксплуататорлик зулмига қарши гражданлар урушига айлантириш йўлидаги ишларининг моҳиятини тушунтирарди. Табиийки, бу ҳол қўмондонликка маъқул келмади. Шу сабабли орадан кўп ўтмай армиядан бўшатилди. В. Д. Фигельский Самарқандга қайтгач яна гимназияда дарс бера бошлади ва айни вақтда солдатлар, ишчилар ва чет эллик ҳарбий асирлар ўртасида революцион иш олиб борди, маҳаллий миллат меҳнаткашларини большевиклар теварагига жиплаштириш ишига катта ҳисса қўшди.

Туркистонда буржуа-демократик революцияси ғалаба қозонгач, РСДРП ташкилотларининг янгилари тузила бошлади. 1917 йил мартида Самарқандда ҳам бирлашган социал-демократик ташкилот тузилиб, унда большевиклардан В. Д. Фигельский, А. И. Фролов, С. Чечевичкин, А. Заманов, М. Иброҳимов, А. Пономарев, В. Усов, В. Билик ва бошқалар, айниқса катта фаолият кўрсатдилар.

Петроградда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси бутун Россия, шу жумладан Туркистон меҳнаткашларини ҳам Советлар учун курашга отлантирди. Тошкентда 28 октябрда большевиклар раҳбарлигида бошланган ишчилар, солдатлар ва ўзбек камбағалларининг қуролли қўзғолони 1 ноябрь куни ғалаба қозонди. Шу ғалабадан кейин, Туркистоннинг бошқа шаҳарлари ва районларида ҳам Совет ҳокимияти ўрнатилди. Шу кезларда В. Д. Фигельский Самарқандда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда энг актив қатнашди. Шу туфайли Самарқанд меҳнаткашлари уни якдиллик билан солдат ва ишчи депутатлари Совети составига сайладилар. Совет Ижроия Комитети эса уни Самарқанд уезди халқ маорифи комиссари ва халқ маорифи Советининг раиси этиб тайинлади. Оташин революционер шу лавозимда янги совет мактабларини очиш, саводсизлик ва чаласаводлиликни тугатиш борасида кўп ишлар қилди.

В. Д. Фигельский 1918 йил октябрида Советларнинг VI Фавқулотда Ўлка съездига делегат этиб сайланди.

Съездан кейин бўлиб ўтган Туркистон Марказий Ижроия Комитети сессиясида В. Д. Фигельский Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг Раиси этиб тайинланди. Шуни айтиш керакки, В. Д. Фигельский бу лавозимда республика учун жуда мураккаб ва қийин бўлган шароитда ишлади. Чунки вазият сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий характердаги жуда кўп мураккаб масалаларни оператив ҳал қилишни тақозо қилар эди.

В. Д. Фигельский босмачиларга қарши курашнинг кўзга кўринган ташкилотчиларидан бири бўлди. У шаҳсан Закаспий, сўнгра Фарғона фронтига бориб, аҳвол билан чуқур таниши. Фарғонада область партия ташкилотини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам берди, меҳнаткашларни ва Қизил Армия жангчиларини босмачиларга қарши курашга сафарбар қилди, босмачи галаларга қарши жангларда фаол қатнашди. 1918 йил В. Д. Фигельский Халқ Комиссарлари Советида иш билан қаттиқ банд бўлишига қарамай, Тошкент ва республиканинг партия ва ижтимоий ҳаётида актив қатнашди. У кундузи Халқ Комиссарлар Советида жорий ишлар билан банд бўлар, кечқурун мажлисларда қатнашар, тунлари телефон орқали фронтлар билан алоқа боғлар, отда бутун шаҳарни айланиб чиқарди.

1919 йилнинг 19 январига ўтар кечаси Тошкентда оқ гвардиячилар ва «сўл» эсерлар томонидан уюштирилган Советларга қарши исён кўтарилди. Унга партия сафларига суқулиб кириб олиб, Туркистон республикасининг ҳарбий комиссари лавозимини эгаллаган собиқ прапоршчик Осипов бошчилик қилди. Исёнчилар ўз олдиларига Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашни вазифа қилиб қўйганди. 19 январь куни эрталаб исёнчилар ҳарбий қалъа ва бош устахоналардан ташқари қарийб бутун шаҳарни эгаллаб олдилар. Республика Компартияси ва ҳукумати раҳбарларини, шу жумладан ТАССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Владислав Дамианович Фигельскийни ҳам хоинларча қўлга тушириб, отиб ташладилар. Б[illegible] билан улар Тошкент пролетариатини раҳбарсиз қолдирмоқчи бўлишди. Лекин контрреволюционерлар қаттиқ янглишди. Эртаси куни — 20 январдаёқ Тошкент пролетариати қизил аскарлар ва эски шаҳар партия дружиналари большевиклар бошчилигида чексиз қаҳрамонлик кўрсатиб, оқ гвардиячилар исёнини бостирдилар.

Атоқли партия ва давлат арбоби, Коммунистик партиянинг матонатли ва содиқ жангчиси В. Д. Фигельский контрреволюция олдида бош эгмади ва ўз ҳаётини партия иши учун, коммунизм идеалари учун қурбон қилди. У қисқа, лекин ғоят мазмунли ҳаёт кечирди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунизм иши учун оташин курашчи В. Д. Фигельскийнинг хотирасини муқаддас билиб, тилга оладилар. Тошкент ва Самарқандда бир неча кўчалар унинг номига қўйилган. Ў Туркистон республикасининг халоқ бўлган бошқа раҳбарлари билан биргаликда Тошкент марказидаги биродарлар қабрига дафн этилган. Ўзбекистон пойтахтининг энг гўзал жойларидан бирида ўн тўрт Туркистон комиссарининг симосини моҳирона тасвирлаган ҳайкал қад кўтарган. Шулар орасида партия иши учун, халқ баҳт-саодати учун мард жангчи Владислав Дамианович Фигельский ҳам бор.

Ш. ЗИЁМОВ,
тарих фанлари кандидати.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ЧЕКИНМОҚДА

Боёвут районидаги Пушкин номли совхоз меҳнаткашлари барча қийинчиликларни мардонавор енгиб, бу йил 40 центнерлик «оқ олтин» хирмони учун курашмоқдалар.

Совхозимиз ҳосилдорлик бўйича кўпдан бери райондаги хўжаликлар орасида биринчиликни эгаллаб келмоқда. Кейинги 5—6 йил мобайнида ҳосилдорлик 33—35 центнердан ошмай келаётир. Бу йил эса 4500 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, она-Ватанга 16 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берамиз, етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини техника ёрдамида йиғиштириб оламиз.

Юқори ҳосил учун кураш энг аввало, барча майдонларда бир текис кўчат ундириб олишдан бошланади. Лекин деҳқон учун бу йилги кўчат ундириш ҳар качонгидан ҳам мушкул бўлди. Районимиз, шу жумладан, хўжалигимиз ерлари сизот сувларига яқин жойлашган. Областимизнинг қўриқ зонасидагига нисбатан бизнинг ерларимиз деярли 10—12 кун кеч етиладн. Шунга қарамасдан, бу йил биз чигит экишга ҳар качонгидан ҳам барвақт киришдик. 4500 гектар ерга барвақт уруғ қадаб олган эдик. Лекин кетма-кет ёққан ёмғир катта зарар етказди. 2200 гектар ерни қайтадан экишга тўғри келди. Эндиликда айтиш мумкинки, ҳосил йўлидаги дастлабки ва асосий босқичлардан бири бўлган экиш-тикиш даврини муваффақиятли якунлаб, деярли барча майдонларда бир текисда кўчат ундириб олдик. Биринчи ишлов ҳам ниҳоясига етмоқда.

Қатор бригадалар иккинчи ишловни бошладилар. Суғориш, ўғитлаш, парваришдан орқада қолаётган пайкалларга диққат-эътиборни кучайтириш, уларга 2—3 ҳисса ўғит бериш, ишловни соз ўтказиш ҳамда бошқа тадбирлар комплекс равишда олиб борилаётир.

Совхозимизда 56 та пахтачилик бригадаси бор. Ўтган йилги мураккаб шароитга қарамай, ана шу бригадаларнинг 34 таси гектаридан 34—36 центнердан ошириб ҳосил олди. Абдуғаффор Хидиров, Маъмур Эшонқулов сингари тажрибали деҳқонлар бош бўлган бригадаларда 37 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Холбўта Бўронов рахбарлик қилаётган бўлимда ҳосилдорлик 34,5 центнерданга тўғри келди.

Бу йил совхозимизнинг бир группа илғор деҳқонлари 50 центнерчилик ташаббусини кўтариб чиқдилар. Уларнинг бу ташаббусини район партия комитети қизғин маъқуллади. Ташаббускорлар орасида Толиб Жўраев, Наримон Ғаффоров, Маъмур Эшонқулов, Ризо Эмирсуюнов, Лапас Сафаров, Абдурасул Жўлбеков, Мели Муродов, Қудрат Умрзоков сингари кўплаб илғор бригадалар бор. Ўнга яқин бригада 45 центнерлик хирмон учун кураш бошлади.

Бу йилги шароитда ҳосилни эрта етилтириш омилларидан бири — маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланишдир. Деҳқонларимиз шулгор олдидан ҳар гектар ерга 20 тоннадан гўнгни азотли ўғитларга аралаштириб солган эдилар. Яна ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 6—7 тонна, камқувват ерларга эса 10—12 тоннадан маҳаллий ўғитни азотли ўғитларга аралаштириб берамиз. Яқинда республикада ибрат кўрсатган механизатор Рустам Иброҳимов гўнг сочадиган махсус мослама яратиб, ишлаб чиқаришга олиб кирди. Бўлим бошқарувчиси, малакали инженер — Очил Жўраев эса гўнг элайдиган мослама яратди. Ана шу ҳар икки механизм совхозимиз деҳқонларига гоят кўл келмоқда. Мосламаларнинг ҳар бири билан бир кунда 30 гектар майдондаги экинларни маҳаллий ўғит билан озиқлантирмоқдамиз. Гўнг сочилган майдонларга кетма-кет ишлов бериб, кетидан жўяк оляпмиз ва биринчи суғоришни бошламоқдамиз.

Совхозимизда кўплаб малакали механизаторлар бор. 243 нафар дала гвардиячиси далаларда мардонавор меҳнат қилишяпти. Мавлонқул Маматмусаев, Бобо Ёров, Алихўжа Қодирхўжаев, Эргаш Зиёбоев, Ўринбой Аҳмедов, Аблямет Асанов каби ўнлаб донгдор механизаторларимиз билан ҳаклн равишда фахрланамиз. Уларнинг ҳар бири ўз агрегатлари билан ўтган йили 200—250 тоннадан пахта терган эдилар. Ҳозирги кунларда эса дала ишларини намунали ташкил этишда фаол қатнашмоқдалар.

Механизаторларимизнинг энг юксак маҳорати, активлиги ва ишчанлигига таянган ҳолда биз бу йил қатор ораларига ишлов беришни ипатоволиклар методи асосида ташкил этдик. Ҳар бир бўлимдаги мавжуд техникани бир жойга тўпладик. Комплекс ишлов натижасида қатқалоқни олдн олинди. Айни пайтда ишловни кечиктириш ёки сувдан қолдириш ҳолларига барҳам берилди.

Бу йилги шароитнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, мавжуд 92 та чопиқ трактори, бошқа мослама ва механизмлардан самарали фойдаланиш билан бир қаторда ишчи кучларини ҳам тўлатўкис далага сафарбар этганмиз. Бусиз кетма-кет ёққан ёмғирлар туфайли пайдо бўлган шўрхок қатламни тезда йўқотиш, ниҳоллар тагини юмшатиб, унга озуқа, сув бериб олиш мумкин эмас.

Ҳуллас, улкан хўжалигимизнинг бутун меҳнат аҳли мураккаб шароитда рўй берган барча қийинчиликларни мардона енгиб ўтишга, дала ишларини комплекс равишда, илғор методлар асосида ташкил этишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. ҳосилдорликни бу йил 40 центнерданга етказиб, она-Ватанга камида 16 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

Коллективимиз КПСС XXV съезди қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига қўйган улуғвор вазифаларни амалга оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Раҳмат ҲОТАМОВ,
Боёвут районидаги Пушкин номли совхоз директори.

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, Беруний районидаги Беруний номли совхозининг Гулжоной Жабборова бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилишган. Суратда: бригада далаларида ғўзаларга ишлов бериш пайти.

Р. Утамуродов фотоси.

КЕНЖА ХЎЖАЛИК ОДИМИ

Оқолтин районидаги Абдалин номли совхоз чўлқуварлари об-ҳаво қийинчиликларини қаҳрамонона меҳнатлари билан енгиб, 2067 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 18 центнер ўрнига 25 центнердан хирмон кўтариш га шайланишган.

Шу кунларда совхоз далаларини кўздан кечирган киши ғўза парвариши ва озиқлантириш жадал бораётганлигининг гувоҳи бўлади.

Йўлдош Ҳолбоев бошқарувчилик қилаётган бўлим меҳнаткашлари ғўза парваришида пешқадамлик қилишмоқда. Шу бўлимдаги моҳир механизатор Насиба Маматқулова бошлиқ бригадада, айниқса, иш қизғин. Бригада етакчиси ўз умр йўлдоши Маҳмуд Маматқулов билан биргаликда ҳар куни 10—12 гектар майдондаги ўсимликка ишлов бермоқда. Улар 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 19 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган.

Совхознинг Ўскан Ҳожимуродов, Нурмат Эшбоев ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган бўлимларида ҳам ғўзага ишлов бериш ва озиқлантириш намунали ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Т. ЮСУПОВ,
Сирдарё области.

Ғалаба рапортлари

НУКУС («Совет Ўзбекистони» мухбири). КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль, ноябрь Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошираётган автоном республика пиллакорлари ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний районлари пиллакорлари автоном республикада биринчилар қаторида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Бу районларнинг пиллакорлари социалистик мажбуриятларни бажариб, ҳозиргача 116—163 тоннадан пилла топширишга эришдилар. Элликқалъа районидаги Оржоникидзе номли, Калинин номли, Охунбобоев номли колхозларнинг пиллакорлари 23—25 тоннадан пилла топширишдилар. С. Юсупова, А. Сабурова, Н. Раимберганова, Ў. Машарипова, Д. Сандолимова каби ўнлаб моҳир пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан 125—150 килограммдан пилла етиштиришдилар.

Автоном республикада пилла топшириш қизғин давом эттирилмоқда.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади:

Ленин райони (район партия комитетининг секретари Ҳ. Исманов, район ижроия комитетининг раиси З. Усмонов, район комсомол комитетининг секретари О. Абдуллаев, бош пиллахона директори Қ. Қаҳҳоров);

Олтинкўл райони (район партия комитетининг секретари Т. Ҳожиқосимова, район ижроия комитетининг раиси И. Алимов, район комсомол комитетининг секретари С. Раҳимов, бош пиллахона директори Ғ. Йўлдошев);

Андижон райони (район партия комитетининг секретари А. Исмоилов, район ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ўринов, район комсомол комитетининг секретари О. Ҳожиматов, бош пиллахона директори А. Ҳамроқулов);

Беруний райони (район партия комитетининг секретари А. Ражабов, район ижроия комитетининг раиси С. Алимов, район комсомол комитетининг секретари М. Ҳожиев, бош пиллахона директори Ю. Камолов);

Ўйчи райони (район партия комитетининг секретари А. Эгамбердиев, район ижроия комитетининг раиси А. Аҳмедова, район комсомол комитетининг секретари А. Ўринов, бош пиллахона директори Ғ. Отажонов);

Наманган райони (район партия комитетининг секретари Ҳ. Охунов, район ижроия комитетининг раиси С. Тошпўлатов, район комсомол комитетининг секретари А. Жўлибоев, бош пиллахона директори Т. Ворисов);

Каттақўрғон райони (район партия комитетининг секретари И. Туропов, район ижроия комитетининг раиси К. Шодиев, район комсомол комитетининг секретари С. Назаров, бош пиллахона директори Т. Қосимов);

Хатирчи райони (район партия комитетининг секретари Р. Маҳманов, район ижроия комитетининг раиси М. Холбўтаев, район комсомол комитетининг секретари М. Одилова, бош пиллахона директори М. Юғай);

Иштихон райони (район партия комитетининг секретари М. Жўраев, район ижроия комитетининг раиси У. Йўлдошев, район комсомол комитетининг секретари И. Шаропов, бош пиллахона директори Ф. Абдуллаев).

Янгиарқ райони — (район партия комитетининг секретари М. Собиров, район ижроия комитетининг раиси Ю. Ражабов, район комсомол комитетининг секретари Х. Жуманиёзова, бош пиллахона директори Г. Абдуллаева);

Охунбобоев райони — (район партия комитетининг секретари Г. Пўлатов, район ижроия комитетининг раиси Х. Умаров, район комсомол комитетининг секретари А. Худойберганов, бош пиллахона директори Х. Нурматов);

Мирзачўл райони — (район партия комитетининг секретари Б. Сериков, район ижроия комитетининг раиси Т. Ўналбоев, район комсомол комитетининг секретари А. Жаланқулова, агроном Б. Эшматов);

Нукус райони — (район партия комитетининг секретари А. Казбеков, район ижроия комитетининг раиси П. Темирхонова, район комсомол комитетининг секретари К. Ҳўжаметов, агроном Ш. Ералиева);

Самарқанд райони — (район партия комитетининг секретари Р. Абдуллаев, район ижроия комитетининг раиси С. Сотиболдиев, район комсомол комитетининг секретари И. Исоқов, бош пиллахона директори Ш. Нуруллаев);

Оқдарё райони — (район партия комитетининг секретари А. Ғайбуллаев, район ижроия комитетининг раиси Т. Эрманов, район комсомол комитетининг секретари У. Исаев, бош пиллахона директори К. Валиев);

Балиқчи райони — (район партия комитетининг секретари Д. Маликов, район ижроия комитетининг раиси М. Рашидов, район комсомол комитетининг секретари О. Ҳожиев, бош пиллахона директори А. Раҳматуллаев);

Избоскан райони — (район партия комитетининг секретари Х. Ғозиев, район ижроия комитетининг раиси Т. Маматжонов, район комсомол комитетининг секретари З. Шокирова, бош пиллахона директори И. Йўлдошев);

Элликқалъа райони — (район партия комитетининг секретари О. Примов, район ижроия комитетининг раиси Ш. Аминов, район комсомол комитетининг секретари Н. Худойберганов, бош пиллахона директори А. Жуманазарова);

Жомбой райони — (район партия комитетининг секретари А. Худойбердиев, район ижроия комитетининг раиси А. Жамилов, район комсомол комитетининг секретари Г. Қурбонова, бош пиллахона директори М. Бозоров);

Косонсой райони — (район партия комитетининг секретари С. Каримов, район ижроия комитетининг раиси А. Болтихўжаев, район комсомол комитетининг секретари Т. Маризаева, бош пиллахона директори А. Отамирзаев);

Чуст райони — (район партия комитетининг секретари Э. Дадабоев, район ижроия комитетининг раиси Э. Пошшохўжаев, район комсомол комитетининг секретари М. Жалолова, бош пиллахона директори С. Ашуров);

Оқолтин райони — (район партия комитетининг секретари Ш. Тетуев, район ижроия комитетининг раиси Н. Фозилов, район комсомол комитетининг секретари Ж. Уқубоев, бош агроном А. Сафаров).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ҲУКУМАТНИ ҚУВВАТЛАБ

Афғонистон Демократик Республикасида мамлакат халқ ҳукуматини қўллаб-қувватловчи оммавий митинглар ва намойишлар давом этмоқда.

Минг-минглаб ишчилар, деҳқонлар, ўқувчилар, АДР меҳнаткаш аҳолиси турли табакаларининг вакиллари ички ва ташқи реакциянинг кирдикорларини қаҳр-ғазаб билан қоралямоқдалар. Ички ва ташқи реакция империалистик доираларнинг мадади билан демократик республикага қарши агрессия режаларини тузмоқда. Намойиш иштирокчилари Апрель революциясининг ғалабаларини қаттиқ туриб қимоя қилишга ва афғон халқининг мустақиллигига ҳамла қилаётган душманларига муносиб зарба беришга қатъий аҳд қилганликларини билдирдилар.

Бахтар информация агентлигининг эълон қилинган шарҳида Покистон тескаричи доираларининг ҳаракатлари ҳам кескин қораланади. Улар империалистларнинг ёрдами билан аксилинқилобий унсурларни Афғонистонга қарши қўпорувчилик ҳаракатларига гиж-гижлатмоқдалар. АДР ҳукумати, дейилади шарҳда, тескаричиларнинг Покистон территориясидан туриб қилаётган ҳаракати тўғрисида аниқ ҳужжатларга эгадир.

(ТАСС).

ИТАЛИЯДА ПАРЛАМЕНТГА САЙЛОВ

РИМ, 5 июнь. (ТАСС). Италияда парламентга якшанба куни бошланган муддатидан илгари сайлов кеча тамом бўлди. Маҳаллий вақт билан соат 14 да сайлов участкалари ёпилди. Турли сиёсий партияларнинг вакилларидан иборат махсус комиссиялар овозларни ҳисоблашга киришдилар. Эрталаб соат 11 гача олинган маълумотларга қараганда, рўйхатга олинган 42 миллиондан кўпроқ сайловчиларнинг 83,6 процента сайловда қатнашди.

Парламентга бўлиб ўтган сайлов мамлакатнинг сиёсий ҳаёти учун алоҳида аҳамиятга молик. Кейинги етти йил мобайнида парламентга уч марта муддатидан илгари сайлов ўтказилганлигининг ўзи (конституцияга биноан парламентнинг ваколат муддати — беш йил) Италия жамиятида чуқур тангликдан далолат бермоқда. Тез-тез бўлаётган ҳукумат танглиги Италия ҳукуматининг состави мамлакатда сиёсий кучларнинг реал нисбатига мувофиқ эмаслигини кўрсатади. Италия коммунистлар партияси мамлакатда етакчи кучлардан бири бўлиб қолганлигига қарамай, буржуа партиялари, биринчи навбатда энг катта христиан демократлар партияси коммунистларни давлатни бошқаришга йўлатишдан бош тортмоқдалар.

Коммунистик ва ишчи партиялар Москва кенгашининг 10 йиллигига

МУҲИМ БОСҚИЧ

Халқаро коммунистик ҳаракат тараққиётининг ҳар бир босқичида коммунистик ва ишчи партиялари, барча антиимпериалистик кучлар ҳаракати бирлигининг асосий йўналишлари, империализмга қарши курашнинг усуллари ва шакларини ишлаб чиқиш тарихий заруриятдир.

Зундан ўн йил муқаддам Москвада ўтган Коммунистик ва ишчи партиялари халқаро кенгаши ўзининг тарихий аҳамияти, қабул қилган ҳужжатларининг актуаллиги ва қаётийлиги билан жаҳон коммунистик ҳаракатида алоҳида ўрин тутади. Кенгаш ишида 75 та коммунистик ва ишчи партияларининг делегациялари қатнашди. Халқаро кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев кириш сўзи билан очиб, ушбу улкан анжуманнинг аҳамиятини алоҳида мамнуният билан таъкидлади.

Жаҳон социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий ва социал тараққиёти жуда тезлашиб кетганлиги, халқаро ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши натижасида кейинги йилларда жаҳонда кучлар нисбатида социализм фойдасига кескин бурилиш ясалди. Лекин империализм ўзининг мавқеини осонликча бериб қўяётгани йўқ. У ўз ихтиёридаги барча имконият ва воситаларни ишга солиб, халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатига тазйиқ ўтказиш, улар сиёсатига путур етказиш, аввалги мустамлакаларини ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам ўз таъсирида сақлаб туриш учун гоят маккорона йўл тутмоқда.

Империализмга қарши курашнинг муҳим вазифалари, коммунистик ва ишчи партиялари, барча антиимпериалистик кучлар ҳаракатининг бирлиги кенгаш кун тартибидаги асосий масала бўлди. Кенгашда жаҳондаги вазият чуқур ва пухта таҳлил қилинди, империализмнинг социал моҳияти ва унинг кирдикорлари кўрсатиб ўтилди. Унга қарши курашнинг, коммунистик ва ишчи партиялари, барча антиимпериалистик кучлар бирлигини мустаҳкамлашнинг аниқ программаси ишлаб чиқилди. Кенгаш қабул қилган ҳужжатлар марксча-ленинча назарияни янада бойитди.

Орадан ўтган ўн йил мобайнида жаҳонда рўй берган воқеалар коммунистларнинг халқаро кенгаши қабул қилган ҳужжатлар нақадар ҳаётий эканлигини кўрсатди. Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, жаҳон воқеаларининг боришига социализм мамлакатлари тобора кучли, янада чуқур таъсир ўтказмоқда. Социализм мамлакатлари коммунистик партияларининг бузилмас жанговар иттифоқи, улар дунёқараши ва ирода ларининг бирлиги барча муваффақиятларнинг асосий омилидир.

Москва халқаро кенгашидан сўнг коммунистик ҳаракат янада кучайиб, ер юзининг турли қитъаларида ҳал қилувчи роль ўйнай бошлади. Энг аввало социалистик давлатлар ва уларнинг коммунистик партиялари бирлиги янада мустаҳкамланди, улар ҳаракатидаги муштараклик янада кучайди. Тўла бирлик ва самарали ҳамкорлик социализм давлатлари партияларининг муносабатларида асосий йўналиш бўлиб қолди. Кейинги йилларда социалистик мамлакатлар коммунистик партияларининг умумий сиёсий йўлини ишлаб чиқиш бўйича катта ишлар қилинди. Халқаро майдонда биргалашиб куч-ғайрат сарфлаш инсониятни тўлқинлантирувчи кўпгина масалаларни ҳал этиш имконини берди. Бундай ютуқларда социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган бирлиги ва жипслиги катта роль ўйнамоқда.

Кейинги йилларда ҳам социалистик мамлакатлар, ҳам капиталистик ва ривожланаётган давлатлар коммунистик ва ишчи партияларининг тез-тез ўтказилаётган халқаро ва регионал учрашувлари ва кенгашлари улар биргаликда олиб бораётган курашнинг асосий йўналишларини белгилаб олишда, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, бирбирларининг тажрибаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Коммунистик партиялар марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига қатъий амал қилган ҳолда иш тутиб, ўз мамлакатларидаги меҳнаткашлар оммасига порлоқ келажакни кўрсатиб бермоқдалар. Бир қатор капиталистик мамлакатлардаги марксчи-ленинчи партиялар жамиятнинг етук сиёсий кучига айланди, жумладан, ўз сафларига ярим миллион коммунистни бирлаштирган Франция Компартияси парламент сайловларида барча овозларнинг учдан бир қисмини қўлга киритди. Италия коммунистларининг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги роли ҳам тобора ошмоқда, парламентда коммунист-депутатларнинг таъсири тобора кучаймоқда. Италия Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган XV съезди коммунистлар Италия меҳнаткашларининг ҳақиқий раҳбарига айланганлигини алоҳида таъкидлади.

Бир қатор ривожланган капиталистик мамлакатларда коммунистик партияларнинг омма орасидаги етакчилик роли ва мавқеи йил сайин мустаҳкамланмоқда. Лотин Америкаси, Африка ва Осиёдаги мамлакатлар коммунистик партиялари кейинги йилларда сон жиҳатидан ўсиб, мамлакат сиёсий ҳаётига таъсирини кучайтирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида жаҳон социализми, барча тараққийпарвар кучлар позицияларининг мустаҳкамланиши коммунистик қурилиш учун, империализм ва гегемонизмга, милитаризм ва реакцияга қарши идеология ҳужумини авж олдириш учун қулай шароитлар яратаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Халқаро коммунистик ва ишчи партияларининг Москва кенгашида Пекин раҳбарларининг бузғунчилик, буюк давлатчилик сиёсати, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларидан четлашиб кетиб, социалистик давлатларга, уларнинг коммунистик партияларига қарши қилаётган ҳужуржлари қаттиқ қораланган эди. Хитой раҳбарларининг кейинги йилларда империализм билан бирлашиб кетиб, социалистик мамлакатларга очиқдан-очиқ тажовуз қилаётганлиги кенгашнинг Пекиннинг бузғунчилик фаолияти келтирадиган зарарга етарли баҳо бермаслик мумкин эмас, деган хулосаси нақадар тўғри эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўз сафларига 60 миллиондан ортиқ коммунистни бирлаштирган ер юзидаги 90 дан ортиқ коммунистик ва ишчи партиялар 1969 йилги Москва кенгашининг кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш, ўз сафларининг бирлиги ва жипслиги учун, умумий душман — империализмга қарши курашнинг муваффақиятли учун бир сафда туриб ҳаракат қилмоқдалар.

Н. ТОЖИБОЕВ,
тарих фанлари кандидати.

УГАНДАДАГИ АҲВОЛ

КАМПАЛА. (ТАСС). Сўнгги хабарларга кўра, Уганда озодлик кучлари ва уларга мадад бераётган Танзания қўшинлари мамлакатнинг шимолида қаршиликка учрамай, Кобоко, Юмбе ва Мойо аҳоли пунктларини ишғол этиб, Судан чегарасига чиқ-қанлар. Шундай қилиб, эндиликда мамлакатнинг бутун территорияси ҳукумат назоратида турибди.

Уганда давлат мудофаа министри И. Мсевени Соротя шаҳрида ўтказилган оммавий митингда гапириб, Уганданинг янги раҳбарлари порахўрлик ва бошқа жиноятлар қилганликлари фош этилган шахслардан қутилмоқ учун давлат аппаратини тозалаш ниятида эканликларини айтди.

Уганда маъмурлари мамлакатда экономикани тиклаш ва аҳволни нормаллаштириш учун зарур шарт-сифатида миллий бирликни таъминлаш ҳозирги босқичдаги асосий вазифа эканлигини айтмоқдалар.

ЭРОНДАГИ ВАЗИЯТ

ТЕҲРОН. (ТАСС). Бу ерда Ҳуррамшаҳардаги фавқулодда аҳвол бекор этилганлиги эълон қилинди. Ўтган ҳафта бу шаҳарда турли этник группалар ўртасида тўқнашув бўлган, натижада, расмий маълумотларга кўра, 37 киши ўлган ва 200 га яқин киши жароҳатланган эди. Аммо ҳозир ҳам шаҳардаги ҳамда мамлакатнинг асосий нефть районн бўлмиш Ҳузистон вилоятидаги вазият кескин бўлиб турибди. Ҳузистон аҳолисининг кўп қисмини ташкил этувчи араблар бу вилоятга автономия берилишини талаб қилдилар.

Ҳузистондаги ғалаёнлар, деди вилоят губернатори, Эрон ҳарбий денгиз кучларининг қўмондони, адмирал Мадани, шоҳпараст унсурлар томонидан ва собиқ охранка — САВАКнинг Эрон халқи судидан яшириниб юрган агентлари томонидан чиқарилди. Эрон маъмурлари қўлида, деди у, бу воқеаларга ағдариб ташланган шоҳнинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири, Эроннинг АҚШдаги собиқ элчиси Зоҳидининг дахлдорлиги тўғрисида ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган маълумотлар ҳам бор. Мадининг айтишича, Ҳузистондаги қўпорувчилик ишларини пул билан таъминлаш учун 14 миллион доллар ажратилган эди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ СОФИЯ. Болгариядаги «Партиздат» ва «Народна младеж» нашриётлари чиқарган «Советлар мамлакатида» китоблар туркуми «Совет Иттифоқи» деган сиёсий, иқтисодий маълумотнома билан якунланди.

Шу туркумда жами 14 китоб чиқарилди, болгар ёзувчилари ва уларнинг Совет иттифоқчилик қаламкаш дўстлари совет республикалари тўғрисидаги бу китобларни ёзиб беришди.

⊙ БАРРЕЙРУ. Бу ерда Португалия Компартиясининг IX съезди ўз ишини тамомлади. Съезд партиянинг раҳбар органлари — Марказий Комитетни, Марказий Комитетнинг сиёсий комиссияси ва секретариати янги составини сайлади. Алваро Куньял яна бир овоздан Португалия Компартиясининг Бош секретари қилиб сайланди. Делегатлар съездга аталган тезисларни ва Марказий Комитетнинг ҳисобот докладнни маъқулладилар, сиёсий резолюцияни ҳамда бошқа бир қанча ҳужжатларни қабул қилдилар.

⊙ БУЭНОС-АЙРЕС. Яшириш шароитда иш кўраётган Уругвай меҳнаткашлари миллий конвенти ҳозирги режимдан яппи амнистия ўтказишни ва барча сиёсий маҳбусларни бўшатиб юборишни талаб қилди.

У мамлакатдаги жабр-зулм сиёсатини қоралади. Ҳозирги вақтда, дейилади конвент раҳбарларининг баёнотида, 6 мингдан зиёд сиёсий маҳбус турмаларда ва қамоқ лагерларида ушлаб турилибди. Кейинги уч ойнинг ўзида 1500 киши зиндонларга ташланди. Ҳар 400 уругвайлик граждандан бири қийноққа солинди.

⊙ ТОКИО. Япония монополиялари ҳатто иқтисодий таназзул шароитида ҳам ишчилар меҳнатини эксплуатация қилишни кучайтириш йўли билан жуда катта фойда олмоқдалар. «Асахи» газетасининг хабар қилишича, 360 та энг катта компания 1978 молия йилида 1.260 миллиард иена фойда олган. Корхона эгалари ишлаб чиқаришни капиталистик тарзда «рационаллаш» деб аталган программани амалга оширганликлари натижасида шунга эришдилар.

Бунинг амалдаги маъноси шуки, юз минглаб ишчилар ишдан бўшатилди, ишда қолган ходимларнинг иш ҳақи оширилмади. Пўлат қуйиш ва кемасозлик саноат тармоқларидагина бултур 140.000 киши ишдан бўшатилди. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда умуман Японияда 1,2 миллиондан ортиқ ишсиз бор.

(ТАСС).

КЕСКИН МУАММО

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ президенти Ж. Картер Эн-Би-Си телевидение компаниясининг мухбири билан суҳбатда нефть нархи устидан ўрнатилган контролликни бекор қилиш тўғрисида ўзи қабул этган қарорни ёқлаб гапирди. Бу тадбир, расмий ҳисоб-китобларнинг ўзига қараганда ҳам 1985 йилгача корхона эгаларига салкам 100 миллиард доллар қўшимча фойда келтиради. Аммо бу тадбир америкаликларнинг фикрига мутлақо зиддир, чунки уларнинг кўпчилиги аслида бу иш ёқилғи нархини бемалол кўтариш имконини бериш тўғрисидаги монополиялар талабига маъмуриятнинг ён бериши, деб ҳисоблаётганлигини Эн-Би-Си билан АП агентлиги биргаликда ўтказган тадқиқот кўрсатди.

Президент уларнинг фикрларига қўшилмаганлигини айтиб, ёқилғи қаҳатчилиги проблемаси доимий характер касб этганини уқтирди. Нарх-наво устидан контролликнинг бекор қилиниши АҚШ иччарисида нефть қазиб олишни кўпайтиришга олиб боради, тежамкорликка ва чет эллардан сотиб олинадиган нефть маҳсулотларига тобора кучайиб бораётган қарамликни қисқартиришга ундайди, деб даъво қилди президент.

Айни вақтда Ж. Картер бу план корхона эгаларига қўшимча фойда берса ҳам, АҚШнинг ёқилғи ресурслари билан таъминланишидаги жуда нохуш аҳволни тузата олмаслигини тан олишга мажбур бўлди.

Оқ уй Америка компанияларига жаҳон бозоридан ёқилғибоп нефть сотиб олиш учун субсидия таклиф қилган эди, Ғарбий Европа мамлакатлари шу муносабат билан Оқ уйни қаттиқ танқид қилган эдилар, чунки бу нарса нефть хом ашёси нархининг ошишига ва АҚШ иттифоқчилари учун нефть таъминоти проблемаларини кескинлаштиришга олиб боради. Президент эса бу танқидни писанд қилмаслик тўғрисидаги қарорини тасдиқлади. Бу қарор, деди у, Ғарбий Европаликларга ёқмади, аммо мен ўйлайманки, бу қарор бизга потенциал тангликнинг олдини олишимизга ёрдам беради. Ж. Картер нефть етказиб бериш ва уни тежаш масаласини Ғарбдаги етакчи 7 мамлакат раҳбарларининг июнь ойи охирларида ўтказиладиган халқаро иқтисодий кенгаши муҳокамасига қўймоқчи эканини айтди. Бу проблемага ҳар ёқни ўйлаб ёндашиш зарур, деб таъкидлаш орқали президент АҚШнинг энергетика сохасидаги ўз мушкулотларини Ғарбий Европадаги шериклари зиммасига юклашга қарор берганини билдириб қўйди.

А. С. ПУШКИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 180 ЙИЛЛИГИГА



Тошкентда Александр Сергеевич Пушкинга қўйилган ҳайкал ёнида. И. Глауберзон фотоси.

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

КУЗ ТОНГИ

А. С. ПУШКИН

Тўс-тўполон бошланди;
далалар сивизғаси
Сокин, хилват гўшамни нола
билан ҳуркитди.
Сўнгги тушимни эса суюкли
ёр сиймоси
Ўзи билан қайгадир билдирмай
олиб кетди.
Аллақачон фалакдан қуйилди тун
кўлкаси,
Тонг отди, ловуллади рангпар
кундуз шуъласи —
Менинг теграмни эса теран
бўм-бўшлик ютди...
Энди ёр йўқ... мен бордим у
юрган қирғоқларга,
Бунда ойдин кечалар кезар эди у
ёлғиз;
Қирғоқларда ва кўм-кўк яшнаган
ўтлоқларда,
Дардимга тутнё у хушбичим
оёқлардан
Қолмабди кўз илғашга арзигулик
бирон из.
Ўрмонни кезиб ўйчан, термулиб
йироқларга,
Ёрнинг беқиёс исмин такрор ва
такрор айтдим,
Кимсасиз водийлардан акс-садо
бўлиб қайтди
Ялангоч ўрмонзордан учиб чиққан
овозим.

Дарё бўйига келдим умид-ла
бир-бир босиб,
Бафуржа оққан сувга термулиб
солдим разм,
Кўринмади сувда ҳам азиз ёрнинг
сиймоси.
Энди ёр йўқ!.. Оромбахш баҳоргача
ҳоким қиш,
Қалбга ҳам, оромга ҳам алвидо,
дедим аста.
Аллақачон қоқсуяк қўллар билан,
пайваста.
Арғувону қайинлар либосин ечиб
олмиш
Яйдоқ эманзорларда шовқин солиб
юрган куз;
Эртаю кеч пилдирар бунда заъфар
япроқлар,
Туман чўккан тўлқинлар юзасида
юпқа муз,
Қулоққа чалинади шамоллар
тортган оҳлар.
Далалар, тепаликлар, таниш эман
боғлари!
Сизлар энди муқаддас сукут
қабри бўлгайсиз!
Эрмакларим ва менинг соғинчим
гувоҳлари!
Оромбахш баҳоргача... энди
унутилгайсиз!

* * *

Дўстим, кечган кунларни унутиб
юбордим мен,
Оқиб кетмиш ишёнкор ёшлигим
онлари ҳам.
Энди йўқ нарсаларни сўраб кўп
қийнама сен,
Бўлган: қайғули он ҳам, фароғатли
дамлар ҳам,
Бўлган севги ва жафо.
Майли, шодлик гаштини сурмай
энди мутлақо;
Аммо сен-чи, фаришта,
туғилгансан бахт учун.
Бемалол ишон унга, учаган
лаҳзани тут:
Дўстлик, муҳаббат ҳиссин юрак
тубига беркит,
Лойиқсан эҳтиросли, тотли бўсалар
учун,
Қалбинг нурдай мусаффо:
қайғу-ҳасрат бегона;

Магар навқирон кўнгил ёруг
кундай пок, маъсум,
Телбалик ва эҳтирос достонига дучоғ
Бўлмоқ сенга не лозим?
Ёш ва сокин ақлингда у долғалар
уйғотар,
Кўп кўз ёшлар тўкарсан, чекарсан
юракдан ғам.
Ишонувчан кўнглингга ногаҳон
ташвиш ботар,
Балки қўрқиб севгимдан тушарсан
даҳшатга ҳам.
Эҳтимолки, бир умр... Йўқ, азизим,
қўрқмагин.
Сўнгги лаззатдан жудо бўлмай,
деган хавфим бор,
Талаб қилма, юракни ошкор этмоқ
хавфли, ёр:
Чунки сени севаман, бахтиёрман
мен бутун.

Сулаймон РАҲМОН таржимаси.

ШЕЪРИЯТ ҚУЁШИ

Рус классик ва совет адабиёти ўзбек адабиёти тараққиётига ҳамиша самарали таъсир кўрсатиб келмоқда. Ҳамза, Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Шароф Рашидов, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Комил Яшин сингари адабиётимизнинг йирик намояндалари ана шу битмас-туганмас хазинадан баҳраманд бўлишди ва ундан доимо миннатдорлар. Бу хазинанинг илк дурдоналарини эса Александр Сергеевич Пушкин яратган эди.

Горький бежиз «Ҳамма дарёлар ундан бошланади» деган эмас эди. Тили ва адабиётига Пушкинчалик хизмат қилиш камдан-кам кишига насиб этган. Рус маданиятининг бутун бир даври унинг номи билан боғлиқ.

Улуғ даҳолар юлдузлардек чақнаб, барча элатларнинг эътиборини бирдек ўзига жалб этади. Ўрта Осиё халқлари улуғ Пушкининг айрим асарлари билан илк дафъа ўтган асрнинг охирларида танишишга муяссар бўлишган эди. 1899 йили Пушкин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтади. Перовск (ҳозирги Қизил Ўрда) шаҳрида бўлиб ўтган тантаналар ҳақида «Туркестанские ведомости» газетаси шундай ёзган эди: «...байрам тантаналари шаҳар боғида икки мингдан ортиқ рус ва маҳаллий халқни жалб этди... Уларнинг кўпчилиги боғда ўқилаётган ва куйланаётган асарларнинг маъносига тушунмаган бўлсалар-да, ҳар ҳолда, энди уларга улуғ рус ёзувчиси Пушкининг номи таниш бўлиб қолди».

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг Пушкин чинакам маънода халқимизнинг севимли шоирига айланди. 1936 йили А. С. Пушкин асарлари кенг кўламда ўзбек тилига таржима қилина бошланди. Бу эзгу ишга барча санъаткор адибларимиз жалб этилди. Бутун мамлакат қатори бизнинг халқимиз ҳам улуғ шоир вафотининг юз йиллигини нишонлашга катта ҳозирлик кўраётганди. Ҳадемай Пушкининг дилбар асарлари китобхон халқимиз кўлига тегди. Ойбек «Евгений Онегин» шеърий романини, А. Қаҳҳор «Капитан қизи» повестини, Ғафур Ғулом «Граф Нулин», М. Шайхзода «Мис чавандоз», «Моцарт ва Сальери», Миртемир «Руслан ва Людмила» асарларини, Ҳамид Олимжон «Кавказ асири», «Сув париси»ни таржима қилишди. Бу асарларни таржима қилиш жараёнида адибларимиз катта ижодий мактабни ўтадилар.

Пушкин ижодида «Евгений Онегин» шеърий романи алоҳида ўрин тутади. Пушкиншунослар бу асарни бежиз Пушкининг шоҳ асари, дейишмайди. Шоирнинг бу мураккаб, ғоявий чуқур, энг катта кўламли асарини Ойбек таржима қилди. Ойбекнинг қайд этишича, 1936 йилнинг баҳорида бир тўда Пушкиннинг таржимонлари — Ҳ. Олимжон, Зулфия, А. Қаҳҳор, Шайхзода, Т. Фаттоҳлар Чимённинг тинч ва осуда боғида, айрим ўтловларда Пушкин асарлари таржимасига киришади. «Базан таржимадан ҳориганимизда Пушкин асарлари, гўзал табиат илҳом булоғи бўларди. Булардан баҳраманд бўлиб, кичик-кичик шеърлар ёзиб қўярдик, — дейди Ойбек. — Масалан, «Пушкин», «Наъматак» шу шеърларимдандир. «Кўёш қўшиғи» тўпламимда «Чимён дафтари» бўлими шу шеърлар термасидир».

Пушкин асарларидан беҳад баҳраманд бўлган шоир Ҳамид Олимжон эди. Рус адабиётига муҳаббат шоирда жўда эрта — унинг болалик ва ўсмирлик чоғларидаёқ пайдо бўлди. Шоирнинг иниси — ёзувчи Сарвар Азимовнинг гувоҳлигича, уларнинг бобоси Мулла Азим рус тилини билар эди. У 1916 йилда мардикорликка олиниб, Пенза губернасида ишлаган. рус ишчилари билан бирга рус тилини ўрганган эди. Шу сабабдан ҳам у Жиззахда ўз тенгдошлари ичида билимдон ҳисобланарди. Ёш Ҳамид бобосидан рус тилини ўрганади ва жуда ёшлигидаёқ Пушкининг бир неча шеърларини ёддан айтиб юрар эди.

Пушкин асарлари устидаги иш мобайнида Ҳамид Олимжоннинг, табиийки, сўз бойлиги янада ортди. Унинг фикрлаш кўлами янада кенгайди, ҳаёт ва жамият, халқнинг орзу-интилишлари ҳақидаги ўйлари янада теранлашди.

Кейинчалик Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижодиётининг битмас-туганмас манбаларига мурожаат қилиб, ажойиб пушкинона эртаклар яратди. Шоирнинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» каби поэмалари шулар жумласидандир.

Пушкининг «Кавказ асири»ни таржима қилган Ҳамид Олимжон, — деган эди В. М. Жирмунский, — Пушкин ва Лермонтовнинг романтик руҳдаги поэмаларидан илҳомланди, улуғ рус шоирларининг Шарқ, унинг табиати ҳақидаги бадиий ифодалари, лирик ҳислари, муҳаббат ҳақидаги афсоналаридан завқланди. Зайнабнинг Омонга мактубини ўқир эканмиз, бенхтиёр ёдимизга Татьянанинг Онегинга ёзган мактуби келади...

Пушкин асарларининг ўзбек шеъриятига таъсири ҳақида гапирганда Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор ижодига алоҳида тўхталишга тўғри келади. Миртемир шеъриятидаги умумбашарий оҳанглар, ҳаётга ниҳоятда яқин бўлган реалистик тасвир Пушкин шеъриятидаги шу хил хусусиятларни ёдга солади. Табиийки, бу — улкан шоиримизнинг рус шеърияти қуёши бўлмиш Пушкинга, унинг асарларига бўлган муҳаббати ва «Шоҳ Султон ҳақида эртак», «Руслан ва Людмила», «Балиқчи ва балик ҳақида эртак» сингари дурдона асарлар таржимаси устидаги йирик меҳнатларининг ажойиб самарасидир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар шеъриятимизда асосан романтик руҳ етакчилик қилар эди. Пушкин ижоди эса шеъриятимизда вужудга келган реализмга бир қадар асос бўлди. Шу маънода Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Миртемир шеъриятидаги, умуман ўзбек совет шеъриятидаги реалистик тенденцияларнинг отаси Пушкин, десак янглишмаймиз.

Ўзбек совет прозаси ва драматургияси равнақида ҳам Пушкин асарлари катта аҳамият касб этди. Пушкин прозаси ўзининг бениҳоя содда ва равон тасвири, ўта ҳаётийлиги билан халигача барчани ҳайратлантиради.

Шоирнинг «Тош меҳмон», «Моцарт ва Сальери», «Сув париси», «Ўлат чоғидаги базм» сингари драматик асарларида шекспирона мотивлар сезилади. Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор каби адиблар бу асарларни маҳорат билан таржима қилишди. Шунисси диққатга сазоворки, кейинчалик бу адибларимиз ҳам «Мирзо Улуғбек», «Самандар» каби драматургиямизда катта воқеа бўлган салмоқли асарлар яратишди. Аёбатга улуғларнинг бундай асарлар яратишларида, Пушкининг драматик асарлари таржимаси устидаги ишларининг аҳамияти катта бўлган.

Умуман олганда, Пушкин ижоди жаҳон адабиёти тарихининг энг ёркин саҳифаларидан бирини ташкил этади.

Бизнинг замонада ҳам шеъриятининг тенгсиз даҳоси Александр Сергеевич Пушкин бутун прогрессив инсониятнинг севимли шоири бўлиб қолмоқда, замонлар шеъриятининг порлоқ қуёши бўлиб қолмоқда.

М. РАСУЛИЙ,
филология фанлари доктори,
Ғ. ЖАҲОНГИРОВ,
филология фанлари кандидати.

«УЗКОЛХОЗСТРОЙ» ТАШКИЛОТЛАРИДА

МАНФААТЛИ УСУЛ

«Узколхозстрой» бирлашмасининг қурилиш ташкилотларида машҳур бинокор Николай Злобин усули асосида ишлашга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда 609 та бригада янги усулга ўтган. Уларнинг кучи билан ўтган йили 78,5 миллион сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Бу — бирлашма бўйича ўз кучлари билан адо этилган жами ишнинг 30,3 процентини ташкил қилади. Шу орада 1547 та ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объект қад кўтарди. Уларнинг қурилиш муддати 5467 ишчи-кунига қисқарди. Бригада пудратини жорий этишдан 566,3 минг сўм иқтисодий самара кўрилди.

Хўжалик ҳисобидаги бригадалар бу муваффақиятларни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кучайтирмоқда. Бунда резерв ва имкониятлар беҳисоб бўлган бригада пудрати уларнинг энг яқин ёрдамчиси бўлмоқда.

ШИНАМ ПОСЁЛКАЛАР

Бирлашма коллективлари қишлоқларда уй-жой кооперативларини кенгайтириш йўлида бирмунча тажриба тўпладилар. Шунинг натижасида қишлоқларимизда кўркам, шинам, ҳар томонлама қулай замонавий посёлкалар бирин-кетин қад кўтараётир. Жумладан, ўтган йили пландаги 135 минг квадрат метр ўрнига 142 минг квадрат метр уй-жой биноси фойдаланишга топширилди. Бу, 1976 ва 1977 йилларда жами қуриб битказилганидан икки баравар кўп, демакдир.

Фарғона районидаги «Миндонобод», Ворошилов районидаги «Олмазор», Андижон область Ленин районидаги «Социализм» колхози сингари кооператив қурилиш асосида тикланган бутун бошли посёлкалар қад кўтардики, улар киши ҳавасини ўйготади.

Қишлоқларда уй-жой қурилиши бўйича кооперативларнинг буюртмалари асосида бунёдкорлик ишларини олиб бориш ҳозир жадал суръатлар билан давом этмоқда.

Г. ГОРЕЛИК,
инженер.

ҚАШҚАДАРЁ

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Қардош Украина телевидениесининг бир группа режиссёр ва операторлари Қарши чўли ҳақидаги фильмни суратга олишмоқда.

Қардош республиканинг тележурналистлари ва кинооператорлари суратга олаётган киноленталарда асрлар бўйи сувга ташна бўлиб келган Қарши чўлининг тарихи ва ҳозирги кундаги аҳволи, чўлни бўстонга айлантираётган чўлқуварларнинг қаҳрамонлик ишлари ўз аксини топмоқда. Шунингдек, украиналик дўстларимиз кинофильм орқали Қашқадарё областининг қишлоқ маданиятидаги янгиликлар, маданий-маиший хизмат борасида қилинаётган ишлар билан яқиндан танишадилар.

Бир неча йилдирки, украиналик қардошларимиз билан Қарши чўлқуварлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Украиналик ёшлардан юздан ортиғи комсомол йўлланмаси билан Қарши чўлини ўзлаштиришда меҳнат қилмоқда.

Э. ЖЎРАЕВ.

Редактор М. КОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ
ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА
1979—1980 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АГРОХИМИЯ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК, АГРОНОМИЯ, МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК, ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ИПАКЧИЛИК, ЗООИНЖЕНЕРЛИК, ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИҚТИСОД, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИГА

АГРОНОМИЯ, ЗООИНЖЕНЕРЛИК, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИҚТИСОД, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.

Институт ва унинг Фарғонадаги филиали агрохимик-тупроқшунос, далачилик агрономларини, селекция ва уруғчилик, шоликор, суғориладиган ерлар деҳқончилиги, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ёпиқ жойларда сабзавот етиштириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик агрономларини, кенг профилдаги зоонинженерларни, ўрмон хўжалиги инженерларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва иқтисод ҳамда қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди.

АРИЗАЛАР 20 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Кириш учун ариза институт ректори номига ёзилиб, унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: Ўрта маълумот ҳақидаги аттестат (асл нусхаси), тўртта фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма), иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан корхона ёки муассаса раҳбарлари тасдиқлаган кўчирма.

Ўрта мактабни битирганлар мактаб директори, синф раҳбари ва комсомол комитети секретари тасдиқлаган характеристика топширадилар.

Институтга кирувчилар ҳарбий билет (ҳарбий рўйхатдан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома) **ва паспортларини шахсан кўрсатадилар.**

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

Агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, агрохимия ва тупроқшунослик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоонинженерлик мутахассислигига кирувчилар: **химиядан** (оғзаки), **физикадан** (оғзаки), **биологиядан** (оғзаки);

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва иқтисод, бухгалтерия ҳисоби мутахассисликларига — **математика** (оғзаки), **география** (оғзаки), **биологиядан** (оғзаки);

ўрмон хўжалиги мутахассислигига **математика** (оғзаки), **химия** (оғзаки), **физикадан** (оғзаки).

Булардан ташқари, барча абитуриентлар рус ёки ўзбек тили ва адабиётидан ишо ёзадилар.

Барча кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлардан: икки йил ва ундан ортиқ стажи бўлганлар ёки икки йил тўлиқ ҳарбий хизматни ўтаб, запасга чиқанлар ҳамда колхоз ва совхозлардан йўлланма билан келганлар институтга қабул қилинишда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) **медалга ёки ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар фақат бир имтиҳон: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва ўрмон хўжалиги мутахассисликларига кирувчилар — МАТЕМАТИКАДАН, қолган мутахассисликларга кирувчилар эса ХИМИЯДАН имтиҳон топширадилар. Аъло баҳо олганлар кейинги имтиҳонлардан озод этиладилар.**

ИНСТИТУТГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР УМУМИЙ АСОСЛАРГА МУВОФИҚ СТИПЕНДИЯ ВА ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Институт адреси: 700183, Тошкент — 183, Тошкент қишлоқ хўжалик институти (19, 102, 121, 111, 115, 117-автобуслар, 10-маршрут такси билан борилади).

Фарғона филиали: 712002, Фарғона шаҳар, Қувасой кўчаси, 2«а»-уй (12, 14-автобусларнинг «Қувасой» бекати).

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг
2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН
КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МИНОРАЛИ КРАНЛАР РЕМОНТИ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЁР. Ўқиш муддати — 3 ой; **МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТЛАРИ.** Ўқиш муддати — 4,5 ой; **АВТОКРАН МАШИНИСТИ.** Ўқиш муддати — 3 ой. (ҳайдовчилар сафидан).

ҚАМИДА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 18 ВА УНДАН ҚАТТА ЕШДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Ўқиш даври иш стажига киритилади.

Стипендия — 75 сўм. Ёлғиз кишиларга яхши жиҳозланган ётоқхонадан жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Жануби-Ғарбий промзона (103-автобусининг «7-автопарк» бекати); Ш. Руставели кўчаси, 19-уй. Ўқув комбинати («Радость» магазини қаршисида).

Узбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги «ВОДСТРОЙИНДУСТРИЯ» бирлашмаси ИХТИСОСЛАШГАН ЭКСПЕРИМЕНТАЛ РЕМОНТ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИНИНГ
МАРКАЗИЙ БАЗАСИГА

4-6 разрядли токарлар, фрезерчилар, қуюв цехининг қолипчилари, газ-электр пайвандчилари, металл конструкцияларини йиғувчи-слесарлар, слесарь-сантехниклар, ускуналар ва электр ускуналари ремонти бўйича слесарлар, такелажчи-стропалчилар, 1-3 класс шофёрлари, кранчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар

КЕРАК

Ходимларни ишхонага ва ишхонадан уйга болалар муассасаларига олиб бориб қўйдиган хизмат транспорти қатнайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бектемир шаҳри, 13-уй. Телефонлар: 90-38-15, 90-34-27.

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «УЗГЛАВЗАГОТЖИВПРОМ» ТРЕСТИНИНГ ЎРТАОВУЛ БЎРДОҚИЧИЛИК ПУНКТИ

«РАССВЕТ» СОВХОЗИГА ҚЎШИЛДИ

Даъволар ва ҳисоб счётлари «РАССВЕТ» совхозига тақдим қилинсин: Тошкент область, Калинин райони, Сотиечний посёлкаси.

Узбекистон ССР Маданият министрлиги ва Республика халқ ижодиёти уйи коллективи республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, халқ ижодий уйининг катта методисти

Рихсибой ОРИФЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети ректорати, партия ташкилоти, касаба союз комитети ва филология факультети коллективи таржима назарияси кафедрасининг мудири, доцент Ғ. Саломовга онаси

Мелиной АҲМАД ҚИЗИнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги ва Ўзбекистон республика «Протезист» бирлашмаси 1927 йилдан буён КПСС аъзоси, республика протез-ортопедия заводининг собиқ директори, республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Ҳошимжон МАМАЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.05 — Концерт. 11.35 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 9-фильм. 12.25 — Концерт. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.40 — Концерт. 17.05 — Тарих саҳифалари. 17.40 — Ёшлар адреслари. 18.30 — Горичилар, қаердасиз? 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 20.05 — Бир оперетта оҳанглари. Спектакль. 21.30 — Вақт. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр (Донецк) — «Динамо» (Киев). 23.45 — Янгиликлар. **УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ:** 11.30 — Фильм-концерт. 12.15 — Пушкин ҳақида монолог. 13.05 — Журъат. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Қувноқлар даврасида. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Қайрат» (Отмаота). Танаффус пайтида ахборот. 20.45 — Ахборот 21.05 — Ўзбекистон матлубот кооперацияси вакилларининг XV съездига. 21.30 — Вақт. 22.00 — Озуқа ишлаб чиқариш резервлари. 22.20 — В. Долгий. Ёдинг билан. Спектакль. **ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН:** 18.40 — Ғаройиб саргузашт. 19.00 — Чинор. Бадиий фильм, 3-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Пойтахт области далаларида.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек авторларининг қўшиқлари. 9.15 — Лирик концерт. 10.30 — Революция иши учун оташин курашчи. 12.00 — Узбекистон индустриальний. 13.00 — Чорвачилик комплекси — давр талаби. 13.30 — И. Дунаевский оперетталаридан парчалар. 14.00 — Ғўза парваришни илғорлари ҳақида ҳикол. 18.15 — Узбекистан спортивний. 18.50 — Янги музикали ёзувлар. 19.20 — Бирлигимиз ва қардошлигимиз тили. 19.45 — Сўнгги ахборот. 20.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Қайрат» (Отмаота). 21.00 — Ўтмиш сарқитларига қарши кураш — идеология ишининг таркибий қисми. 21.10 — Ўзбек совет адабиёти радиоантологияси. 21.30 — Чорвадорлар, Сизлар учун. 22.28 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 23.20 — Тинглаб, дам оламиз.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-30.

Р. 02016. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 127.

СПОРТ

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

● **ШАШКА.** Тошкентда халқаро шашка бўйича Узбекистон чемпионати бошланди. Эрмаклар ўртасида ўтказилаётган мусобақанинг биринчи турида тошкентлик С. Давидов, И. Фридман ва самарқандлик И. Бороховлар муваффақият қозонишди.

● **ФУТБОЛ.** Иккинчи лигаининг бешинчи зонасида куч синашаётган коллективлар кеча ўн тўртинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Аввалги тур учрашувлари ҳисоби бўйича Жиззахнинг «Бўстон» командаси 20 очко билан пешқадамлик қилмоқда.

⊙ **ГИМНАСТИКА.** Япония пойтахтида гимнастика кўнкураши бўйича жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақада 15 ёшли киевлик ўқувчи Стела Захарова галаба қозонган бўлса, эрмаклар ўртасида ленинградлик Александр Дитятин зафар қучди.

БАХТ-ИҚБОЛГА ҚАЙТИШ

82 яшар Михаил Рудик умрида илк бор ўз квартирасининг калитини олди. Энди Львов область Сокаль шаҳрининг янги микрорайонидаги уйлардан бирида яшайди. Уйли бўлишнинг бу қадар кечикиб кетишининг ўз сабаблари бор.

Бундан эллик йиллар аввал М. Рудик Ғарбий Украинадаги туғилган қишлоғи Кошлякини тарк этиб, (ўша вақтларда бу қишлоқ буржуа-помещиклар Польшасининг чекка ерлари эди), ўзига ўхшаган бир гуруҳ батраклар билан пул ишлаш учун Америкага жўнаб кетди. Михаил ота-онаси, укалари ва сингиллари билан хайрлашаётиб, океан ортида кўп қолиб кетмаслигини ваъда қилди.

Аммо қайтиш чўзилиб кетди. Украиналик муҳожир бегона юртларда қилмаган иши қолмади: тери ошлади, металл шторалар ясади, аммо чўнтаги эса ҳамон бўш эди.

М. Рудик қашшоқ муҳожирлар билан бирга синфий курашда — камбағалларнинг ҳуқуқлари учун, иш ҳақини ошириш, уй-жой шароитларини яхшилаш учун курашда қатнашди. Ўттизинчи йиллардаёқ реакцияга қарши чиқувчи миллий фронт комитетларини тузиш ҳаракатида қатнашди. Бунинг учун уни ишдан маҳрум қилиб, таъқиб этишди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида у Ватандан йироққа бориб қолган юзлаб кишилар сингари Совет Иттифоқига ёрдам фондига маблағ йиғди, муҳожирларнинг прогрессив матбуотида фашизмнинг қабих моҳиятини, иккинчи фронт очишга ошиқмаётганларнинг мунофиқликларини фош қилди.

Ҳокимият тепасида турганлар М. Рудикни ишга қабул қилишмади, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ováраи сарсон қилаверишди. У беш йил турмада ётди.

Михаил Лукьянович қамоқдан инвалид бўлиб чиқди ва қавм-қариндошларини излай бошлади. Ота-онаси аллақачон бу дунёдан ўтганликларини билиб кўп йиғлаб чекди. Аммо ҳамма укалари ва сингиллари Советлар мамлакатида бахтиёр яшаётганликларини эшитиб кўп хурсанд бўлди.

Узоқ йўлга пул тўплаш учун яна 10 йил керак бўлди. Рудик жонажон Кошлякига қишлоғидаги ота уйини дарров таниди: бу уй қишлоқни қайта қуриш чоғида Совет Украинаси билан қўшилгандан кейин таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган Ғарбий Украина ерларининг оғир тўтмишидан хотира сифатида қолдирилган экан.

— Тўғрисини айтсам. — дейди Михаил Лукьянович, — ўша кунларда кўп нарсаларни ўйлардим. Касал, кексса, тирикчилик учун ҳеч ваҳоси бўлмаган мендек кишига кимга керак бўлярди, деган хаёл мени чулғаб олган эди. Аммо Советлар мамлакати менинг тўғримда ўз фарзандидек ғамхўрлик қилди: давлат менга пенсия тайинлади, врачлар ёт юртда орттирган оғир касалимдан қутқаришди.

К. ЧАВАГА,
ТАСС мухбири.